Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 202 (21. 069) 1991 йил 17 октябрь, пайшанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.



ПАХТАКОР, СИЗГА ОМАД БЎЛСИН ЁР!

ДАРОМАДГА БАРАКА КИРМОҚДА

Оппоқ нуқра каби ялтираб оқиб ётган азим Сирдарё этакларидаги пахта далаларига юлдузлар чамани кўчгандай. Деҳқонларнинг юзларида очиқлик. Зеро иккиуч кун водий далалари ва пахтакорлар юракларига қора кўланка ташлаб турган оғир булутларни шамол олисларга ҳайдаб кетди. Осмон шишадек тиниқ.

— Ҳайрият, — дея қувончини ўртоқлашади Фрунзе районидаги «Сирдарё» давлат хўжалигининг директори Рафиқ Қурбонов. — Терим суръати яна кучаядиган бўлди. Далаларимизни қаранг, машиналар оралаб чиққанига қарамай яна оппоқ чаман бўлиб ётибди.

Бу хўжалик пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. 26 иш кунида 2740 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб сифатли пахта йиғиштириб олинди.

— Ишни ижара пудрати асосида олиб бориб, техникага кенг йўл очганимиз қўл келяпти, — дея сўзлайди Рафиқ ака. — Йил бошидан ишга астойдил киришилди. Ижарачилару механик-ҳайдовчилар кўпроқ даромад оламанми, бирим икки бўладими, дея чарчоқ билмай ишладилар. Хўжалик мутахассислари деҳқон оғирини енгил қилиш мақсадида илмфан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга интилдилар. Тошкентдаги ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти олимлари таклифи билан чигитга ишлов беришда саломатликка безиён бўлган «ПАБК». препаратини қўлладик. Натижада чигит униб чиқиши икки кунга қисқарди. Пахтанинг пишиши эса 6—8 кунга тезлашди.

Хўжаликда жами ҳосилнинг 80 фоизга яқини «пўлат этак»лардан тўкилди. Жумҳурият раҳбариятининг қарори билан машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 25 сўм тўланиши механизаторлар моддий манфаатдорлигини оширди. Бир кунда 500 сўмгача ишлаган механизаторлар ҳам бор. Валижон Ёқубов хўжаликнинг тажрибали механик-ҳайдовчиси. Унинг ҳозиргача уйган хирмони 170 тоннадан ошиб кетди. Ҳ. Аширматов, Қ. Абдуллаевлар ҳам у билан басма-бас теришяпти.

— Даромад ҳам чакки бўлмаса керак?

— Режа бўйича 8 минг тонна пахта учун 12 миллион 200 минг сўм даромад олишимиз керак эди. Энди ҳисоб-китоб қилсак, даромадимиз 14 миллион 330 минг сўмни ташкил этаркан. Бу албатта эски нархда. Республикамиз Президентининг пахта толаси харид нархини ошириш ҳақида чиқарган янги Фармонига кўра эса бу кўрсаткич тахминан 20 миллион сўмдан ошади.

«Сирдарё»лик деҳқонлар бир дақиқа ҳам суръатни бўшаштирганлари йўқ. Улар даладаги ҳосилни охирги мисқолигача йиғиб-териб олишга аҳд қилганлар. Чунки пахтамиз қанча кўп бўлса, мустақил республикамиз қудрати шунчалик катта бўлади.

А. ИБОДИНОВ.





Механик-ҳайдовчи Ўразали Бўтаёров Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги пешқадамларидан биридир. Хўжалик пахтакорлари бултургидан 200 тонна кўп хирмон уйишга аҳд қилишган.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).



ХУШХАБАРЛАР

● НАМАНГАН. Поп районидаги Беруний номли давлат хўжалигининг иккинчи бўлимига қарашли Абдусахат Йўлдошев бошчилик қилаётган 3-бригада пахтакорлари йиллик режани биринчи теримдаёқ уддалаган эдилар.

Бригада заршунослари 40 гектар ердан режадаги 13 центнер ўрнига 14,5 центнердан, жами 57 тонна пахтани юқори сортга сотдилар.

М. МАТКАРИМОВ.

● САМАРҚАНД. Самарқанд районидаги Максим Горький номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли зафар қучди.

Шу кунгача қабул пунктларига режадаги 5600 тонна ўрнига 5700 тонна турли сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Шунингдек, хўжаликда давлатга сут сотиш ва гўшт етказиб бериш марралари ҳам эгалланди. Ҳозирга қадар давлатга сотилган сут 400 тонна ўрнига 500 тоннани, гўшт эса режада белгиланган 50 тонна ўрнига 55 тоннани ташкил этди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

● ҚАШҚАДАРЁ. Китоб районидаги «Китоб» совхоз — заводининг Нуриддин Раҳмонов бошлиқ бригадаси боғбонлари 18 гектар майдондаги токзорвардан мўл ҳосил етиштирдилар.

Ўн иш кунида давлатга 270 тонна узум топшириб, бу соҳадаги йиллик режани районда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳосилни йиғиб-териб олишда Мавжуда Турсунова, Муҳайё Эгамбердиева, Малоҳат Диёрова, Ойсара Хидирова, Зуҳра Каримова, Нигора Холиёрова каби ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ДОВОН ОШГАНЛАР

БЎЗ ВА КОМСОМОЛОБОД РАЙОНЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БАЖАРДИЛАР

БЎЗ РАЙОНИ пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб ғалаба манзилига етдилар. Давлатга 25 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ялпи ҳосилнинг 80 фоизи машиналар ёрдамида териб олинди. Пахтачиликдан олинган даромад 58 миллион сўмдан ошиб кетди.

КОМСОМОЛОБОД РАЙОНИ пахтакорлари ҳам йиллик режани уддаладилар. Давлатга топширилган 37290 тонна пахтанинг 31 минг тоннаси машиналарда терилди. Мирзааҳмедов номли давлат хўжалиги хирмонга 9 минг тонна чўл дурдонаси тўкди. «Оқ олтин», «Дўстлик» давлат хўжаликлари эса мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Чўлқуварлар ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказмоқчи.

А. ҚУРОНБОЕВ.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республикамиз вилоятларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 16 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — режага нисбатан бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён

БУХОРО	1,34	101,43	1,07	78,64
Фарғона	1,57	97,15	1,21	89,85
Қашқадарё	2,08	92,74	2,18	101,52
Сирдарё	1,92	88,43	1,94	100,04
Жиззах	2,08	88,00	2,48	108,05
Сурхондарё	2,45	84,19	2,66	93,01
Наманган	2,81	82,41	2,66	91,72
Андижон	2,48	81,15	2,81	88,49
Тошкент	2,62	78,54	2,86	87,29
Самарқанд	2,60	73,13	3,07	78,87
Хоразм	1,42	63,13	1,09	35,84
Қорақалпоғистон республикаси	1,76	60,40	1,69	59,78
Республика бўйича	2,09	83,76	2,20	87,16
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Сурхондарё	2,68	83,64		
Қашқадарё	2,85	81,33		
Бухоро	2,51	72,02		
Наманган	3,97	66,29		
Андижон	1,05	28,06		
Республика бўйича	2,72	81,86		

ОЛТИН ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов олтин қазиб чиқарувчилар билан учрашди, Учқудуқ шаҳрига борди, шимолий маъдан бошқармаси корхоналарида бўлди. У корхона ишчилари, мутахассислари билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

Суҳбат марказий маъдан бошқармаси корхоналари — Мурунтов кони ва иккинчи кон-металлургия заводида давом эттирилди.

Зарафшон шаҳрида И. А. Каримов барча даражадаги депутатлар, Учқудуқ ва Зарафшон, Бухоро вилоятининг Томди ва Конимех районлари меҳнаткашларининг вакиллари билан учрашди.

Президент ўз нутқида кенг доирадаги муаммоларга тўхталди, Давлат Кенгашининг яқинда ўтган мажлиси тўғрисида батафсил сўзлади (бу мажлисда ўн республика раҳбарлари иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолашни ёқлаб чиқдилар), мамлакатда ва Ўзбекистон республикасида ишларнинг аҳволи ҳақида, ҳозир республика ҳукумати ҳал қилаётган ҳаётий муҳим масалалар тўғрисида гапирди.

И. А. Каримов тўпланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Республиканинг ушбу муҳим минтақасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш учун мутахассисларнинг катта гуруҳини юбориш тўғрисида таклиф киритилди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг сафарида халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров, Бухоро вилоят ижроия комитетининг раиси М. Р. Раҳмонов унга ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЧОЙХОНАДАГИ СУҲБАТ

МУСТАҚИЛЛИК — ИМОН, ЭЪТИҚОДИМИЗ

Ҳозир республиканинг исталган қишлоғига борсанг одамлар билан суҳбатлашсангиз, гап мавзуи албатта пахта ва мустақиллик масаласига бориб тақалади. Қува районидаги Бекат қишлоғи чойхонасида кеч оқшом кексалар суҳбати устидан чиқдик. Сойкелди қишлоғидан Ҳожимурод ота Юнусов, толмозорлик Ниёзали Солиев, деҳқонободлик Тўйчибой Солиев, бойистонлик Абдуқодир бува Ҳакимов, бекатлик Ёдгорхўжа Шоалимов, Толмозор маҳалла қўмитаси раиси Мўминжон Юнусов каби умри азиз нуронийлар республика мустақиллиги, ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Суҳбатни «Коммунизм» жамоа хўжалиги раиси, «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси Мусажон Шербўтаев олиб борди.

— Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганлигининг нашъу намосини суриб юрибмиз, — деди у.— Яқиндагина пойтахтимизда биринчи бор учрашувга бутун дунёдан келган ватандошларимиз ҳам ўз мамнуниятларини баралла изҳор қилишди. Албатта бу ардоқли истиқлолнинг аҳамияти беқиёс.

Давлат мустақиллигига ўтиш даври — бу бамисоли катта кечув. Донолар айтганидек, кечувда тулпорни алмаштирмайдилар. Биз ўтмоқчи бўлган кечувнинг қаери чуқур, қаери тош, қаери ўпқон эканлигини ҳозир ҳеч ким айтиб бера олмайди. Президентимиз елкасини катта юк — неча авлодлар умрига тенг даврлар мобайнида тўпланиб қолган муаммолар босиб турибди. Аввало чор Россияси истилоси ва мустамлакачилиги, қолаверса марказий ҳокимиятнинг маъмурий-буйруқбозлик идора усули, сохта ялтироқ шиорлар соясида иқтисодиётни бир ёқлама ташкил этиш — яъни арзонгаров хом ашё етказиб бериш халқимизни ночор аҳволга солиб қўйди. Бу муаммоларни бирданига бартараф этиш мушкул. Кўчаларда намойишлар қилиш, митингбозлик, оломонни тўплаб томоқ йиртиш билан кўзланган порлоқ мақсадга эришиш сира мумкин эмас.

Ҳожимурод бува Юнусов: — Тўрт ўғилу олти қиз ўстирдим, яратганга шукур, 64 невара, 70 чеварам бор. Ёшим бир жойга бориб қолди, аммо кўнглимни битта ташвиш қийнайди: фарзандлар келажаги қандай бўлади? У ёқда тахт талашишлар авж олиб кетса, бу ёқда халқ ҳоли не кечади? Вазиятни барқарорлаштиришга ҳаракат қилаётган республика Президенти шаънига марказдан эмас, энди ўз ичимиздан ҳам ноҳақ гаплар чиқиб қолаётир. Ким хато қилмайди? Ишламаган одам. Аммо ҳар қандай танқид самимий, шаънга тегмайдиган бўлсин.. Президентимиз ва унинг сафдошлари халқ манфаатларини кўзлаб нима иш қилаётганлигини кўриб-билиб турибмиз. Ҳозирги вазиятда осойишталикни кўролмайдиган кимсаларгина раҳбариятимиз ўртасига қутқу солади.

Тўйчибой ота Солиев: — Мустақилликка эришганимиз жуда адолатли иш бўлди-да, Мусажон. Раҳмат Президентга, диёнатли депутатларимизга минг марта раҳмат! Етмиш бирга кирган бўлсам, урушиниям кўрдим, бошим меҳнатдан чиқмади. Қирқ беш йил пахта ичида бўлдим. Бригадирлик, ҳосилотлик қилдим. Планни доимо ошиғи билан бажардик. Шу даврда битта бизнинг бригаданинг ўзи ўн минг тоннадан ортиқ пахта берди. Ўйлаб кўринг, бизнинг колхозда йигирмата, сизда ҳам шунча бригада бор. Районда, вилоят, жумҳуриятда қанчадан-қанча бригада! Аммо шунча бойликни етиштириб берган бўлсакда ошиб-тошиб кетмадик. Зора бундан буён елкамиз офтоб кўрса...

М. Шербўтаев: — Тўйчибой ака, дарҳақиқат биримиз бир яримта бўлса бўлдики сира икки бўлмади. Мана, дастлабки қадам — мустақиллик Қонуни қабул бўлди. Аммо ҳали биз бу эркинликнинг мевасини тўйиб тотганимиз йўқ. Мустақиллик — бу бамисоли нозик ниҳол. Битта кўчатни экиб, парваришлаб мевага киритгунча анча вақт керак. Уни авайлаб, суяб пишиқтириб олиш билимдон боғбонга боғлиқ. Биз ҳаммамиз ана шу боғбонга ёрдам беришимиз лозим эмасми?

Ниёзали ота Солиев: — Мен баъзи одамларга ҳайронман, кўринишдан туппатузук, лекин ичида нима гап, худо билади. Ҳеч қачон халқ қайғусини қилмасдан энди юртимиз озодликка етишиб турган пайтда ана шундайлар бош кўтаришяпти. Бундан буён биз кимлар нима иш билан машғуллигини тушуниб олдик. Халқимиз дили бошқа, тили бошқа одамларга эргашмайди.

Абдуқодир бува Ҳакимов: — Олий давлат ҳокимияти даражасида масала кўрувчи одамларга одобу олий ахлоқ лозим. Муқаддас китобларда «Ал ҳаёю ал имон» деб ёзилган, яъни ҳаёсиз кимсада имон бўлмайди. Имонсиз одам эса на яратганни, на ота-онани, на ўзини, на ўзгани ҳурмат қилади, наслу насабини унутади. Айниқса, кўпчилик номидан сўз юритувчи ноиблар бошқаларга ибрат бўлишлари жоиз.

М. Шербўтаев: — Биродарлар, келинглар, жумҳуриятОлий Кенгаши ишини муҳокама қилмайлик. Қонун бор, одоб комиссияси бор, лозим топишса ўзлари ҳал қилишади...

Ёдгорхўжа Шоалимов: — Менинг Ислом Каримовга айрим истакларим бор. У киши албатта муҳим давлат ишлари билан жуда банд. Лекин вақт топиб биз оддий қишлоқ кишилари ҳузурига тез-тез келиб туришини илтимос қилмоқчиман. Ғамхўрликлар учун самимий раҳматимизни ҳам, юракни эзиб турган ташвишларимизни ҳам юзма-юз айтиб берардик. Аммо гапнинг сираси, агар сайлов бўладиган бўлса кимни ёқлаб овоз беришни халқимиз ўзи билади. Бизга бошқа Президент керак эмас.

Мўминжон Юнусов: — Менинг фикримча, ўтиш даврини мумкин қадар камроқ қийинчиликлар билан бошдан кечириш, ғалабага эришиш раҳбариятимиздаги жипслик ва баҳамжиҳатликка боғлиқ.

М. Шербўтаев: — Ҳозирги вазиятда шу юртнинг ҳақиқий фуқароси бўлган ҳар бир одам асосий ва бош масала — мустақиллик ҳаракатида Президентга ёрдам бериши керак.

Биз кимдир бировга хуш ёқиш учун ҳамду сано айтиш ёшидан ўтганмиз. Бирор мансаб олиш ниятимиз ҳам йўқ. Урушнинг суронли йилларида, фронт ортидаги оғир меҳнат ва ярим очлик шароитида тиним билмай заҳмат чекиб, заҳарли дорилар сочилган далаларда ишлаб, ҳар қандай мансаблардан кечиб қўйганмиз. Эндиги бирдан-бир ташвишимиз фарзандлар, набираларимизнинг эртанги куни.

Мустақилликнинг шабадаси пахтакорларга сал бўлсада етиб келди. Пахтанинг харид нархи 50 фоиз оширилди. Ўтган ҳафтанинг ўзида деҳқонлар ташвишини енгиллатувчи яна иккита муҳим қарор эълон қилинди. Фойдадан олинадиган солиқ ва маош жамғармасидан 11 фоизлик ажратма бекор бўлди. Хўжаликлар топшириқ ҳажмидаги пахта толаси ва пилланинг 5 фоизи, режадан ортиқча етиштирилган жами маҳсулотни ўз ихтиёри бўйича сотиш ҳуқуқини олди. Ҳисоблаб кўрсак, мана бу қарорлар туфайли биргина бизнинг хўжалик тўрт миллион сўмдан ортиқ наф кўрар экан. Деҳқонларимиз бу ғамхўрлик учун Президент ва унинг ҳукуматидан астойдил миннатдордирлар. Бинобарин, пахтамизни охиригача нобуд қилмай териб оламиз. Эндиликда пахта Ўзбекистон мустақиллигига хизмат қилишини тушуниб турибмиз.

Республикада осойишталикни барқарор сақлашга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва унинг ҳукумати олиб бораётган сиёсатни тўла-тўкис маъқуллаймиз ва қўллаб қувватлаймиз.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири А. АБДУБАННОПОВ ёзиб олди.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ИЖРОНИ ТЕКШИРАДИ •

КАРТОШКА НЕГА ҚИММАТ?

Ўзбекистоннинг сахий ерида унмайдиган неъматнинг ўзи йўқ. Лекин шундай маконда етиладиган ҳосилга халқ дастурхони сероб бўлмаяпти. Сабаби нимада?

Тюменлик муштарий А. Самолич «Известия» рўзномасида бозорларда олма ва нок 15 сўмдан, узум 12 сўмдан сотилаётганини афсус билан ёзади. Биздачи? Жумҳуриятимиз бозорларида бундай маҳсулотлар нархи Тюмендагидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Совуқ ўлкаларда узум, нок, олманинг битмаслиги аниқ. Лекин уларни бизда истаганча ўстириб, ҳосил олиш мумкин-ку?

Картошкани айтмайсизми! Ўтган йили дўконларда 20—25 тийин, бозорда 60—70 тийин бўлган бу маҳсулот қарийб ўн баробар қимматлашиб кетди. Наҳотки картошка етиштирадиган майдонлар, улардан олинадиган ҳосил шу даражада камайиб кетган.

Аслида гап бошқа ёқда.

Бизнингча, хўжаликлар фаолияти устидан назорат сусайиб кетган. Етиштирилаётган маҳсулотнинг даладан одамлар қўлига етиб келгунча бўлган жараёнда катта камчиликлар бор.

Тўғри, харид нархларининг, олинаётган минерал ўғит, техника воситаларининг ортиши маҳсулот таннархининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Бироқ ўзимизда етиштирилган картошка кўп бўлса, бу даражада қимматга тушмаслигини кўпчилик билади. Кечки картошка аҳоли эҳтиёжини қондирмаётгани учун ҳам бошқа жумҳуриятлардан, ҳатто чет элдан келтириляпти.

Ҳозир мева-сабзавот дўконларининг деярли ҳаммасида Россиядан келтирилган картошка сотилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Сифати унча яхши эмас. Боз устига қиммат. Бир килограмми 2 сўм—2 сўм 50 тийиндан?! Ўн килограмм картошка олган киши албатта камида 1,5—2 килограммини чиқитга ташлаши турган гап.

Тошкент шаҳар деҳқончилик саноати бирлашмасидан хабар беришларича, Россиядан шартнома бўйича олинаётган ҳар бир килограмм картошкага бир сўм 50 тийиндан тўланмоқда. У ерлардан олиб келиш ва аҳолига етказиб беришга кетган харажат билан бир килограмм маҳсулот 2 сўм 50 тийинга тушяпти.

Бунинг устига шериклари-миз картошкани қуритмай, сараламай, тўғри даладан ортиб юборишмоқда. Хўл картошка бир неча кун мобайнида вагонларда келиши, туширишда ушланиб қолиши туфайли унинг бир қисми чириб, нобуд бўлаётир. Рўзномамиз картошка ортилган вагонларнинг махтал бўлиб қолаётгани ҳақида бонг ураётгани бежиз эмас. Асл мақсад эл мулкининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик.

Агар сифатли маҳсулотни ҳозир харид қилсалар, одамлар уни сақлашни ҳам биладилар. Аммо қўшни жумҳуриятлардан келтирилган картошкани ўтказиш мақсадида сифатли картошка омборларга ташиляпти.

Ҳозирги шароитда, умуман таъминот масаласида узоқни кўриб ишлаш, омилкорлик талаб қилинади. Шундай қилинмаса, халқнинг шўрига шўрва тўкилди, деяверинг. Россия картошкани қиммат сотаётган экан, у ердагилар билан шартнома тузиш шартмиди? Ундан кўра сара картошкаси 85 тийиндан тушаётган Польша билан савдо-сотиқ ҳажмини кўпайтириш, қолаверса, илгари биз картошкасини харид қилган Германия, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан алоқа ўрнатсак яхши бўларди-ку!

Шундай қилинганда халқимиз сифатли картошкани бир сўм, узоғи билан 1,5 сўмдан олиши мумкин эди.

К. РИХСИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Яккабоғ районидаги «Правда» жамоа хўжалиги кўп тармоқли. Бу ерда пахта, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Хўжалик мавсум охиригача давлатга 2200 тонна «оқ олтин» топширишни кўзлаяпти. Шу кунгача эл дастурхонига 1,5 минг тоннага яқин сабзавот етказиб берилди. Мева, пилла, қоракўл тери топшириш йиллик режалари ҳам ошириб бажарилди.

Даромад мўл, одамларнинг кайфияти чоғ.

Фойда яхши бўлгач, хўжалик бошқарувининг ҳам, деҳқон ва чорвадорларнинг ҳам орзулари ушаляпти. Яқинда бу ерда Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари ва илғор колхозчилардан бир гуруҳи хўжалик ҳисобидан «Ўзбекистон овози» рўзномасига бепул обуна қилинди. Умуман хўжалик бўйича якка тартибда обуна бўлганлар ҳисобига бу йил рўзнома муштарийлари сонини 500 нафарга етказиш мўлжалланмоқда.

М. КАРОМОВ.

*

Асаларичи Мансур Қодировнинг «қанотли дўсти» — бургут унга ёрдам беряпти. Қашқадарё вилоятининг Китоб районидаги ёрдамчи хўжаликда бу бургут ўзига хос қоровуллик хизматини ўтамоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат, (ЎзТАГ).

*

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИККА ҒАМХЎРЛИК

Биз оналар Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низомини чуқур таҳлил қилиб, ўрганмоқдамиз. Унинг 5-бобида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш партия ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналиши» деган жумлаларни хурсандчилик билан қабул қилдик.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, жумладан енгил саноат корхоналари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тиббиёт, маориф, қишлоқ хўжалигида ишлаётган кучларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Бу меҳнаткаш аёлларнинг 5—12 нафардан ортиқ фарзандлари бор. Лекин шунга қарамай, аёллар ижтимоий меҳнатда эркаклар билан баббаравар қатнашадилар. Уй-рўзғор ташвишлари, бола тарбияси билан шуғулланишга ҳам вақт ажратадилар.

Мен 28 йил узлуксиз Нукусдаги кийим тикиш фабрикасида меҳнат қилдим. Беш нафар фарзандим бор. Айниқса, бундай корхоналарда аёллар меҳнатининг қиймати кўнгилдагидек эмас. Шуни инобатга олиб, Дастурнинг 5-бобига қуйидагича қўшимча киритишни таклиф этар эдим: **«...Партия ташкилотлари оғир ва зарарли ижтимоий меҳнатда қатнашаётган хотин-қизлар меҳнатини кескин камайтиришга, касаначиликни ривожлантиришга, истиқболда эса зарур имкониятлар яратиб беришга, уларнинг иш соатларини қисқартиришга тинмай ҳаракат қилади».**

Айтгул СОБУРОВА,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

Далаларда йиғим-терим ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳозир, деҳқон, механик-ҳайдовчи учун ҳар дам, ҳар соат ғанимат. Етиштирилган мўл ҳосилни сира ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун астойдил тер тўкилмоқда. Деҳқон ғарчи ана шундай мураккаб дамларда сидқидилдан ишлаётган бўлса ҳам жамият ташвишларини унутиб қўяётгани йўқ. Яқинда биз қўриқдаги Оқолтин районининг «Фарғона» давлат хўжалиги далаларида бўлиб, бир гуруҳ илғор теримчи ва механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашдик. Мавзу — Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳаси бўлди. Қуйида мухбиримиз А. Умаровнинг қилган суҳбатида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни айнан беряпмиз.

ОДАМЛАРГА ЯҚИН БЎЛСИН

Абдувоҳид МАМАЖОНОВ, 6-бўлимнинг 1-бригадаси бошлиғи: — Ҳозиргача 42 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани бажардик. Бугун иккинчи теримни бошлаб юбордик. Ҳосилдорлик албатта 35—36 центнерга етади.

Энди янги тузилаётган партиянинг Дастури лойиҳаси ҳақида. Шу кунларда Халқ-Демократик партияси ҳақида кўп гаплар бўляпти. У кишиларда фақат яхши умидлар уйғотмоқда. Дастур лойиҳаси билан танишиб чиқдим. Унга қўшимча киритмоқчиман. Бозор муносабатларига ўтишга бағишланган бобда шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш, томорқалар ҳажмини 0,25 гектарга етказиш муҳим масала қилиб қўйилган. Бу жуда яхши. Лекин **ёрдамчи хўжалик тармоқлари эгаларини ўша ердан самарали фойдаланиш учун керакли миқдорда ўғит, сув, минерал ўғит, техника воситалари билан таъминлаш кафолотлари ҳам олиниши керак.** Акс ҳолда ажратилган томорқа ерлар кам ҳосилли, самарасиз бўлиб қолади. Мен ана шу фикрнинг Дастурда ўз аксини топишини истайман.

Темир СОБИРОВ, 9-бригада механизатори: — Ҳозиргача 100 тонна пахта тердим. Иш айни қизиган давр. Ҳали яна кўп ҳосил териш ниятим бор. Шу йил ёз ойи бошларида Компартия сафига ўтган эдим. Тақдир экан, ўзгариш бўлиб кетди. Энди янги ташкил топаётган Халқ-Демократик партияси аъзоси бўлиш ниятим бор. Чунки бизлар — ёшларимиз. Республикани иқтисодий жиҳатдан мустақил, фаровон қилиш ишига ҳисса қўшмоғимиз лозим. Янги партиядан умидим катта. Унинг Дастур ва Низоми лойиҳаларини синчиклаб ўргандим. Ўз иш фаолиятимдан келиб чиқиб, Низом лойиҳасига таклиф киритмоқчиман. Биз механик ҳайдовчиларимиз. Бугун бу бригадада ишласак, эртага бошқа бригада ихтиёрига ўтамиз. Бошқача айтганда, шароитга қараб кўчиб ишлаймиз. Ҳамкасбларим ҳам турли бригадалардан йиғилган. Бундай кўчма ва йиғма отрядлар бошқа соҳаларда ҳам кўп. Агар бошланғич партия ташкилоти ишнинг ана шу жиҳатидан келиб чиқиб, муваққат партия гуруҳлари тузса ташкилий ишлар янада жонланарди. Мен шуни эътиборга олиб, Низом лойиҳасининг **19-моддаси охирги сўзбошисида «шароитга, ишнинг кўчма хусусиятларига қараб муваққат партия гуруҳлари тузиши»** деган жумлани қўшишни таклиф қиламан.

Мўминжон СУЛТОНОВ, 2-бригада бошлиғи: — Ўттиз йилдан бери чўлда яшаймиз, қишлоғимиз ҳалигача газлаштирилган эмас. Қанчадан-қанча ариза-шикоятлардан кейин қувурларни ўтқизиб қўйишди. Бироқ эскича одат бўйича ваъда ва баҳоналар билан газнинг йўли очилмаяпти. Яна бир муҳим муаммо — сув таъминоти ёмон. Хўжалик ташкил топган пайтларда ётқизилган қувурлар чириб кетди. Ёз ойларида ҳовлиларга на оқар сув ва на ичар сув келади. Республика Олий Кенгашига Тошкентдан келган нуфузли кишини депутат қилиб сайлаган, унга ҳам арзи-ҳолимизни айтгандик. Бироқ амалий натижаси бўлгани йўқ. Янги Халқ-Демократик партияси тузилаётган экан, унинг **Дастури лойиҳасига партия ўз сафларидан сайланадиган депутатларга нисбатан талабчанликни изчил ошириб боришлари лозим, токи уларнинг ишларини кўриб ҳамма унга ва ана шу депутат орқали партияга ишонсин,** деган сўзларни ёзиб қўйишни таклиф қиламан.

Абдулаҳад МАМАЖОНОВ, 1-бригада механизатори: — Ҳозиргача терган пахтам 170 тоннадан ошиб кетди. Ўтган йили эса 149 тонна терган эдим. Бу йил 200 тонналик маррани эгалламоқчиман. Гапнинг рости — ишимни жуда ҳам қадрлайман, бўлимда, хўжаликда ўзаро мусобақаларда бошқа механик-ҳайдовчиларни олдимга туширган эмасман.

Ўн бир йилдан бери партия аъзоси эдим. Бир марта обком, икки марта райком аъзоси қилиб сайланганман. Мана, Компартия тарқаб кетди. Лекин, гапнинг сираси мен у қадар хафа эмасман. Чунки партиянинг раҳбарлари аллақачон ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, халқдан бутунлай ажраб қолган эдилар. Шу сабабли ҳам Компартиянинг кейинги пайтларда обрўси буткул тўкилди. Обрўсиз партиянинг эса боридан йўғи яхши.

Янги Халқ-Демократик партияси тузилаётган экан, мен бундан хурсандман ва албатта, шу партия сафига ўтиш ниятим ҳам йўқ эмас. Бироқ у ўз номига муносиб, халқчил, демократик партия бўлиши керак. Мен шунингдек, республикамизда кўп партиялилик вужудга келаётганидан ҳам қониқиш ҳосил қилдим. Партиялар бир-бирлари билан рақобат қилсалар, бир-бирларининг хато ва камчиликларини ошкор қилиб турсалар, бундан фақат халқимиз манфаат кўради. Якка партиялилик даврида ги илдиз отиб кетган иллатлар бундан кейин бўлмайди, ҳар бир партия олдин ўйлаб, кейин иш қиладиган бўлади.

Мен юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай таклиф киритмоқчиман. Дастур лойиҳасининг 6-бобидаги «Халқ-Демократик партияси ўн йиллар давомида юқоридан тиқиштирилган яккаҳокимлик мафкурасидан қатъиян воз кечади», деган жумла **«мафкурасини қатъиян қоралайди ва ундан бутунлай воз кечади»,** деган матнда тўлдириб ўқилса менимча тўғрироқ бўлади. Чунки янги партия сафига кираётганлар ўтмишдаги иллатларни қоралашимизни билсинлар. Бу ана шу ҳужжат орқали тарих учун сақлаб қолиниши ҳам даркор.

Илҳомжон СУЛТОНОВ, 2-бригада механизатори: — Ҳарбий хизматдан қайтиб, бу йил биринчи бор машина рулига ўтирдим. Ҳозиргача терган пахтам 120 тоннага етди. Қишлоқда менга ўхшаган ёшлар кўп. Илгари комсомол аъзоси эдим. Янги Халқ-Демократик партиясига ўтишга тайёрланяпман. Дастурни ўқиб, кўп қоидалар қаторида шу нарсани ҳам тушундимки, бундан кейин маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилар экан. Мен шу ўринда **маҳаллий кадрлар ишлай оладиган корхоналарни ҳам кўпайтириш керак, бу икки масала бир-бирига боғланмаса, барибир иш юришмайди,** деб биламан. Дастур лойиҳасидан ана шу фикрларим ўрин топса кўнгилдагидек бўларди.

ОҚҚЛОВ

Хоразм вилояти фирқа қўмитасининг пленуми яқинда Қўшкўпир туманидаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдукарим Абдураҳмоновни партия сафига якдиллик билан қайтадан тиклади. Бундан уч йил муқаддам у оғир бир вазиятда фирқа аъзолигидан чиқарилган эди...

Яхши кун юрагингда муҳрланиб қолади, дейишади. Ёмон кун ҳам ёдингдан чиқмас экан. А. Абдураҳмонов 1986 йилнинг 27 август куни Урганчдан чақирув қоғозини олди. Гдлян терговчилари Хоразмда «енг шимариб» ишга киришган, ҳўлу қуруқни баб-баравар ёндираётган тергов «олови» унинг ҳаётига ҳам даҳшатли «чангали»ни узатган эди. Дастлабки учрашувданоқ, Кравченко бошлиқ терговчилар унга қарши ўзларининг анъанавий усулларини қўллай бошлади.

— Сен бизнинг ҳоҳишимизни икки қилмай, раҳбарларга кўрсатма берсанг бас. Бошинг омон қолади, оиланг тинч яшайди. Обкомнинг биринчи котибига ва райком секретарига қанча пора берганингни айт, дейишди.

А. Абдураҳмонов Қўшкўпирдаги Калинин номли жамоа хўжалигида оддий муҳандисликдан раисликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Унинг раҳбарлик даврида хўжалик қаддини кўтариб олди, ижтимоий жиҳатдан ривож топди. У раисликни қабул қилиб олган пайтда икки миллион сўмдан ортиқ қарзга ботган жамоанинг киссаси кўп фурсат ўтмай миллионлаб сўмлик даромадга тўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси қўшиб ёзишлар туфайли эмас, асл пешона тери эвазига яратилган эди. Ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ўзига ўн йил даркор бўлди. Хўжаликнинг барча хонадонлари газлаштирилди, мактаб, боғча бинолари, дала шийпонлари қад ростлади.

Ҳар замоннинг ўз зайли бор. Ўша вақтда Москвадан то Курил ороллариигача, Ленинграддан то Қўшкўпир районигача жойлашган ҳар бир жамоа план учун яшаб, план учун ишларди. Уни бажариш қонун эди. Қонун эса муҳокама этилмайди, унга риоя қилинади. Қани энди табиатнинг ўзига хос ҳолатини, Хоразмнинг шўр ерини қонунга солиб бўлса?! Баъзан баҳор жазирамали келса, кузак серёғин бўлади. Ё аксинча. Бироқ планнинг бу билан иши йўқ. Қандай шарт-шароит бўлишидан қатъи назар бажариш керак, вассалом!

Яширишнинг ҳожати йўқ. Абдураҳмонов ҳам кўрпага қараб оёқ узатишга мажбур бўлган. Райондаги ҳар бир хўжаликка кунлик пахта топшириш графиги бериб қўйиларди. Абдураҳмоновнинг иродаси букилмади. Бироқ, терговчилар ҳам анойи эмас. Уларнинг ҳам тажрибаси чуқур «илдиз» отган эди. Энди терговчилар бошқа йўлга ўтишди. Калинин номли колхознинг бригада бошлиқлари, пахта топширувчиларини чақира бошлашди. Сўроқ кўп ҳолларда ярим кечалари ўтказилар, бегуноҳ деҳқонларни ҳақоратлашар, уришарди. Хуллас, раисга пора бердим, пахтани қўшиб ёздирди, деган гапни ёздириб олиш учун қўлларидаги неки жафо ҳунари бўлса, ишга солишарди. Деҳқонлар бўлса, сохта айбловни рад этишарди.

— Мен бу пайтда Олтибой Қурбонов номли жамоа **хўжалигида раислик қила бошлагандим,** — дейди А. Абдураҳмонов. — Илгари мен билан ишлаган бригадирлар тортаётган азобларни кўриб, чидаб туролмадим. Майли раис қўшиб ёздирди, денглар, — дедим. 1983 йил учун 268 тонна пахтани пунктдан сотиб олганмиз, дедик. Неки қоғоз бўлса, шунга имзо чекавердик.

Ана шунда терговчиларнинг бошига яна бир «ғоя» келиб қолди. (Бу пайтда тергов ишларига Хоразм вилояти прокурори ўринбосари Титаренко раҳбарлик қиларди). Мушук бекорга офтобга чиқмайди, деган нақл бор. Шуни инобатга олган ҳолда улар қўшиб ёзишдаги ёрдам учун пункт ходимларига пора беришлари керак экан. Бу «ғоя» ҳам «ижобий» ҳал этилди. Хўжалик томорқа учун 50 кишига жой бериб, ҳар биридан минг сўмдан «ундирилди», йиғилган пул пункт ходимларига пора тариқасида берилди. Илож йўқ бўлгач, ёзда ҳам бошингга қор ёғиши мумкин экан. Бригадирлар ҳам ҳақиқатда шундай бўлган, биз давлат мулкини талон-торож қилишга йўл қўйдик, деб «тан» олишди.

1988 йилнинг бошида тергов тугади. Буёғи кундай равшан. Аввало хўжалик раиси партиядан ўчиши, кейин ишдан бўшатилиши лозим. Афсуски, ҳамма жойда қўлланилиб келинаётган мазкур анъана бу гал панд берди. Ҳеч кутилмаганда бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши А. Абдураҳмоновга бор-йўғи ҳайфсан эълон қилиш билан чекланди. Ўша куни райком вакилининг тазйиқлари ҳам коммунистларга кор қилмади, улар ўз сўзларидан қайтишмади.

Лекин Қўшкўпир райони фирқа қўмитаси бошланғич ташкилот коммунистларининг овозига қулоқ солмади. Фирқа бюроси улар қарорини бекор қилиб, А. Абдураҳмоновни партиядан ўчирди. Обком бюроси, пленуми ҳам худди шундай йўл тутди.

Ҳаёт ўз измида давом этарди. Энди уни суд кутиб турарди. Шундай ҳолга тушган одамнинг ҳолатини тушуниш қийин эмас. Ишдан қўл совийди, кўнгилга қил сиғмайди. Қизиғи шундаки, худди шундай вазиятда Абдураҳмоновнинг ғайрати сўнмади, хўжаликни оёққа турғазиш учун ҳориб-чарчаб меҳнат қиларди. Чунки, кўнгилга қараб ўтиришнинг вақти эмасди. Ўша пайтда хўжалик икки миллион сўм атрофида қарздор бўлиб, ҳар томонлама чўкиб қолган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қарийб ярим аср мобайнида кўзга кўринарли бино қурилмаса, мактаблардаги таҳсил уч сменага етган бўлса?!

Хўжалик 1987 йили биринчи маротаба даромад олди. Ўша йили август ойида иккинчи котиби Нетягалар турарди. Бири одамларнинг тақдирини топташга, иккинчиси кадрларнинг «белини» синдиришга бел боғлаб киришган! Уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Уларнинг «фаоллиги» билан биргина Қўшкўпир районининг ўзида қарийб ҳамма хўжалик раислари, 150 дан ортиқ бригада бошлиқлари партия аъзолигидан ўчирилди, устларидан жиноий иш қўзғатилди.

Лекин Олтибой Қурбонов номли хўжаликда ҳеч кутилмаган воқеа рўй берди. Халқ Титаренко, Нетягачилар сиёсатига қарши чиқди. Юқори идораларга хатлар йўллаб, ўз раисларининг ҳаллоллиги, халқ учун жонини жабборга бериб ишлаётганини баён этишди. Раҳбарлардан адолатни қарор топтиришларини сўрашди. Уларнинг фикрича, Абдураҳмонов жазога эмас, балки мукофотга лойиқ киши эди.

Орадан кўп ўтмай барибир суд бўлди. Қўшиб ёзишдаги ишлари, давлат ерини талон-торож қилишга йўл қўйганлиги учун айбли, деб топилиб уни икки йилга озодликдан маҳрум қилишди. Лекин баъзи имтиёзлари борлиги учун у авф этилиб, умуман қамалмаган, деб топилди.

Ҳа, халқнинг меҳри, ҳимояси, раисни тақдири топталишидан сақлаб қолди. У ўз лавозимида муваффақиятли ишлаб келяпти. Юзаки олганда оддий туюлган, лекин замирида жуда катта ҳикмат ётган ушбу воқеани ўйлар экансан, юрагингни аламли йўллар тиғлайверади. Нега биз «пахта иши», «ўзбеклар иши» гуллаган йиллари элимизнинг кўплаб ҳалол кишиларининг жабр кўришларига, қамалишларига йўл қўйиб бердик?! Нега худди Олтибой Қурбонов номли хўжаликнинг деҳқонлари каби уларни баралла ҳимоя қила олмадик?! Халқнинг ҳимояси, қаҳр-ғазаби олдида ҳар қандай жаҳолат машинаси ожиз қолиши мумкин экан-ку?!

Абдукарим Абдураҳмонов партияга тикланди. Лекин у ҳали бутунлай оқланганги йўқ. Чунки, вилоят фирқа қўмитаси пленуми уни партия аъзолигига тиклаганига қарамай, ўчиргандан кейинги уч йилни партия стажига қўшмади...

Тўғри, А. Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам қўшиб ёзганини инкор қилмайди. Чунки ўша пайтда у ҳам мажбур бўлган. Лекин, халқнинг бирон тийинини ўмармаган. Пахта ҳам кейин бўлсада барибир топширилган.

Рўзномамизда эълон қилинган «Ёруғ юзли ўзбегим» сарлавҳали туркум мақолаларида бундай ишлар механизми чуқур очиб берилди, шундай ишларга қўл уришга мажбур бўлган кишиларнинг тўла оқланаётганлиги ҳукумат комиссиялари томонидан далиллар асосида кўрсатилди. Фирқадошлар масаланинг худди шу жиҳатини ҳисобга олсалар айни муддао бўларди, ҳақиқат тўла тантана қиларди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШОНЧ

• *Сафдошларинг сенга ишонса...*

дик. Неки қоғоз бўлса, шунга имзо чекавердик.

Ана шунда терговчиларнинг бошига яна бир «ғоя» келиб қолди. (Бу пайтда тергов ишларига Хоразм вилояти прокурори ўринбосари Титаренко раҳбарлик қиларди). Мушук бекорга офтобга чиқмайди, деган нақл бор. Шуни инобатга олган ҳолда улар қўшиб ёзишдаги ёрдам учун пункт ходимларига пора беришлари керак экан. Бу «ғоя» ҳам «ижобий» ҳал этилди. Хўжалик томорқа учун 50 кишига жой бериб, ҳар биридан минг сўмдан «ундирилди», йиғилган пул пункт ходимларига пора тариқасида берилди. Илож йўқ бўлгач, ёзда ҳам бошингга қор ёғиши мумкин экан. Бригадирлар ҳам ҳақиқатда шундай бўлган, биз давлат мулкини талон-торож қилишга йўл қўйдик, деб «тан» олишди.

1988 йилнинг бошида тергов тугади. Буёғи кундай равшан. Аввало хўжалик раиси партиядан ўчиши, кейин ишдан бўшатилиши лозим. Афсуски, ҳамма жойда қўлланилиб келинаётган мазкур анъана бу гал панд берди. Ҳеч кутилмаганда бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши А. Абдураҳмоновга бор-йўғи ҳайфсан эълон қилиш билан чекланди. Ўша куни райком вакилининг тазйиқлари ҳам коммунистларга кор қилмади, улар ўз сўзларидан қайтишмади.

Лекин Қўшкўпир райони фирқа қўмитаси бошланғич ташкилот коммунистларининг овозига қулоқ солмади. Фирқа бюроси улар қарорини бекор қилиб, А. Абдураҳмоновни партиядан ўчирди. Обком бюроси, пленуми ҳам худди шундай йўл тутди.

Ҳаёт ўз измида давом этарди. Энди уни суд кутиб турарди. Шундай ҳолга тушган одамнинг ҳолатини тушуниш қийин эмас. Ишдан қўл совийди, кўнгилга қил сиғмайди. Қизиғи шундаки, худди шундай вазиятда Абдураҳмоновнинг ғайрати сўнмади, хўжаликни оёққа турғазиш учун ҳориб-чарчаб меҳнат қиларди. Чунки, кўнгилга қараб ўтиришнинг вақти эмасди. Ўша пайтда хўжалик икки миллион сўм атрофида қарздор бўлиб, ҳар томонлама чўкиб қолган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: қарийб ярим аср мобайнида кўзга кўринарли бино қурилмаса, мактаблардаги таҳсил уч сменага етган бўлса?!

Хўжалик 1987 йили биринчи маротаба даромад олди. Ўша йили август ойида ҳашар йўли билан янги мактаб биносини қуришга киришилди. Орадан уч ой ўтиб, мазкур бино ўз эшикларини ўқувчиларга очди. У спорт залига, ошхонасига эга бўлиб, таҳсил кабинет системаси асосида йўлга қўйилди. Кейинги йили 620 ўринли навбатдаги мактаб биноси ҳам ҳашар усулида қурилди.

Одамларда ишонч, ҳамжиҳатлик бўлса бўлди, ҳар қандай оғир юмушни амалга ошириш мумкин экан. Абдураҳмонов хўжаликда яшовчи кишиларда шундай ишончни, ҳамжиҳатликни уйғота олди. Шу боис улар давлатдан маблағ, материал кутиб ўтирмай, энг муҳтож биноларни ўз куч-ғайратлари билан қуришга киришдилар. Чорвадорлар уйига эга бўлишди. Молхона, товуқхона ҳам ҳашар йўли билан ишга туширилди. Шунингдек, боғча, амбулатория, кишки ва ёзги клуб, консерва заводи қурилди, 810 хонадон газлаштирилди, қишлоқлар асфальтлаштирилди, водопровод қуришга киришилди. Хуллас, йилига оз эмас-кўп эмас, бир миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ҳаммаси аҳолининг кучи, хўжалик даромади ҳисобидан. Шу билан бирга 370 гектар ер капитал текисланди...

Барибир Абдураҳмоновни суд кутиб турарди. Бунинг учун раис лавозимидан олиниши лозим эди. Бу масаланинг бошида Гдлян, Анишчевларнинг Хоразмдаги «елкадош»лари вилоят прокурорининг ўринбосари Титаренко, вилоят фирқа қўмитаси иккинчи котиби Нетягалар турарди. Бири одамларнинг тақдирини топташга, иккинчиси кадрларнинг «белини» синдиришга бел боғлаб киришган! Уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Уларнинг «фаоллиги» билан биргина Қўшкўпир районининг ўзида қарийб ҳамма хўжалик раислари, 150 дан ортиқ бригада бошлиқлари партия аъзолигидан ўчирилди, устларидан жиноий иш қўзғатилди.

Лекин Олтибой Қурбонов номли хўжаликда ҳеч кутилмаган воқеа рўй берди. Халқ Титаренко, Нетягачилар сиёсатига қарши чиқди. Юқори идораларга хатлар йўллаб, ўз раисларининг ҳаллоллиги, халқ учун жонини жабборга бериб ишлаётганини баён этишди. Раҳбарлардан адолатни қарор топтиришларини сўрашди. Уларнинг фикрича, Абдураҳмонов жазога эмас, балки мукофотга лойиқ киши эди.

Орадан кўп ўтмай барибир суд бўлди. Қўшиб ёзишдаги ишлари, давлат ерини талон-торож қилишга йўл қўйганлиги учун айбли, деб топилиб уни икки йилга озодликдан маҳрум қилишди. Лекин баъзи имтиёзлари борлиги учун у авф этилиб, умуман қамалмаган, деб топилди.

Ҳа, халқнинг меҳри, ҳимояси, раисни тақдири топталишидан сақлаб қолди. У ўз лавозимида муваффақиятли ишлаб келяпти. Юзаки олганда оддий туюлган, лекин замирида жуда катта ҳикмат ётган ушбу воқеани ўйлар экансан, юрагингни аламли йўллар тиғлайверади. Нега биз «пахта иши», «ўзбеклар иши» гуллаган йиллари элимизнинг кўплаб ҳалол кишиларининг жабр кўришларига, қамалишларига йўл қўйиб бердик?! Нега худди Олтибой Қурбонов номли хўжаликнинг деҳқонлари каби уларни баралла ҳимоя қила олмадик?! Халқнинг ҳимояси, қаҳр-ғазаби олдида ҳар қандай жаҳолат машинаси ожиз қолиши мумкин экан-ку?!

Абдукарим Абдураҳмонов партияга тикланди. Лекин у ҳали бутунлай оқланганги йўқ. Чунки, вилоят фирқа қўмитаси пленуми уни партия аъзолигига тиклаганига қарамай, ўчиргандан кейинги уч йилни партия стажига қўшмади...

Тўғри, А. Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам қўшиб ёзганини инкор қилмайди. Чунки ўша пайтда у ҳам мажбур бўлган. Лекин, халқнинг бирон тийинини ўмармаган. Пахта ҳам кейин бўлсада барибир топширилган.

Рўзномамизда эълон қилинган «Ёруғ юзли ўзбегим» сарлавҳали туркум мақолаларида бундай ишлар механизми чуқур очиб берилди, шундай ишларга қўл уришга мажбур бўлган кишиларнинг тўла оқланаётганлиги ҳукумат комиссиялари томонидан далиллар асосида кўрсатилди. Фирқадошлар масаланинг худди шу жиҳатини ҳисобга олсалар айни муддао бўларди, ҳақиқат тўла тантана қиларди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОЗОҒИСТОНДАН ХАТ

УЧ ТИЛДА

Чимкент вилоятида бир бинода уч тилда: ўзбек тилида— «Диёр ахбороти», қозоқ тилида — «Ауыл тыныси», рус тилида — «Сельская газета» — ҳафтаномалари чиқа бошлаганига унчалик кўп бўлмади. «Диёр ахбороти» ҳафтаномасининг асосий мақсади: миллий урф-одатларимизни тиклаш, тилимизнинг софлиги ва бойлигини асраш, муштарийларни эски ёзув билан таништириб бориш, маиший ҳаётимизда рўй бераётган камчиликларни аёвсиз фош этиш, оддий фуқарони ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Ҳафтаномалар вилоят қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат бошқармаси; вилоят қишлоқ хўжалик ижарачилари, ширкатлари ва чорвадор хўжаликлар бошқармаси қошида чиқади.

«Диёр ахборот» индекси — 65473.

«Ауыл тыныси» индекси — 65467.

«Сельская газета» индекси— 65468.

Обуна баҳоси (президент солиғисиз) — 15 сўм.

Манзилгоҳ: Чимкент шаҳри, Григоренко кўчаси, 7-уй.

ҒИШТ КЎПАЙДИ

Андижон районидаги Бакиров номли колхозда хўжалик усулида қурилган пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи цех бу ердаги қурилиш иншоотларидаги иш суръатини тезлаштирди. Ҳар йили у маҳаллий материалдан бир миллион донагача ғишт чиқариши мумкин.

Бу деярли 150 минг киши яшайдиган Андижон районидаги хўжаликларда қурилган ўнинчи ғишт цехидир. Бу қишлоқ цехлари ҳар йили якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун жуда зарур бўлган 10 миллионтадан ортиқ ғишт чиқаради. Райондаги колхозлар ва совхозларда 1989 йилнинг августидан буён якка тартибда уй-жой қуриш ва томорқа участкаларини кенгайтириш учун қарийб уч минг гектар ер ажратилди. Бу участкаларни қишлоқда яшайдиган 35 мингга яқин оила олди.

МАБЛАҒНИ АЯШМАЯПТИ

Гулистон пахта тозалаш заводида уй-жойга навбатда турганларнинг сони йигирма кишига қисқарди. Янги битказилган уйга ана шунча оила кўчиб кирди.

Ҳозирги пайтда завод теварагида пахта заводи ишчиларининг қўрғони қад кўтарди. Улар фақат кўп квартирали уйлардангина иборат эмас. Эндиликда ҳар бир хоҳловчи учун ўзига уй қуриб олишига ҳеч қандай тўсиқсиз қарз берилмоқда. Қўрғонда одамлар учун барча зарур хизматлар мавжуд.

Корхона маъмурияти жамоани ижтимоий ривожлантиришга маблағни аямаяпти. Масалан, ўтган йилнинг ҳосилини қайта ишлаш натижасида бир ярим миллион сўм ишлаб топилди. Бу маблағнинг катта қисми худди ана шу жамғармага ўтказилди.

(ЎзТАГ мухбири).



Бугунги бозор иқтисодиёти кўпларни тинимсиз изланишга, халқнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур молларни, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга даъват этмоқда. Шу жиҳатдан олганда Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқаруви аъзоларининг фаолияти ибратлидир. Айни пайтда мазкур хўжаликда ўнлаб турли кичик корхоналар ишлаб турибди. Бу ерда «Шифо» ёрлиғи ёпиштирилган шифобахш сув тайёрлаш йўлга қўйилди. Уни Наманган пиво-алькогольсиз ичимликлар комбинати ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор ишчиси Мавлудахон Исоқова; «Шифо» деб аталмиш Наманган минерал сувлари.

П. АКБАРОВ олган суратлар.

• Деҳқончилик — *ЯНГИЛИКЛАР* — • Иқтисодиёт

СОВХОЗ—ШАҲАРГА, ШАҲАР—СОВХОЗГА

Октябрь ойида шаҳарликларнинг қишлоққа пахта эмас, сабзавот йиғиштириб олиш учун бориши мирзачўлликлар учун ғалати бир ҳодисадир. Лекин ҳақиқатдан ҳам шундай: пахтакорлар ҳосилни ўз кучлари билан йиғиб-териб олишга ҳаракат қиляпмоқда — моддий рағбатлантириш ўз таъсирини кўрсатмоқда. «Баҳор» сабзавотчилик совхози эса якшанба кунлари гулистонликларни ўз далаларига чорламоқда.

Шартлар қуйидагича: уч челак сабзавот терсанг — бир челаги сеники. Шаҳарликлар учун бу қишга озиқ-овқатни пухта ғамлаб олиш имконини беради. Бу совхозга ҳам яхши кўмакдир, бу ерда деярли барча турдаги сабзавотлардан мўл ҳосил етиштирилган. Айтайлик, 540 тонна помидор олишни режалаштиришган эди, ҳозирнинг ўзида 600 тонна йиғиб олинди ва йиғим-терим давом этмоқда. Мўлжалдагидан 200 тонна кўп карам сотилди. Сабзи, ош лавлаги, қовоқдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Далаларда қолган маҳсулот нобуд бўлмаслиги керак-да...

«Баҳор» шаҳар яқинидаги совхоз бўлиб, унинг асосий вазифаси вилоят марказини маҳсулот билан таъминлашдан иборатдир. Жамоа бу вазифани муваффақиятли уддалаяпти. Бу мавсумда у режалаштирилганидан тахминан бир ярим минг тонна кўп сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беради. Бундан ташқари хўжалик кенгайтирилмоқда. Иккита мевазор боғ барпо этилди. Яқин орада шаҳарликлар бу боғда етиштириладиган олча, олма, нок, узум, олхўри, гилосдан баҳраманд бўла бошлайдилар.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҚИШЛОҚДА САНОАТ РИВОЖЛАНЯПТИ

Андижон районидаги Киров номли жамоа хўжалигида ўтган йили тикувчилик фабрикаси ва консерва тайёрлаш цехи ишга туширилганди.

Тикувчилик фабрикасида аёллар халатлари, ёшлар ва болалар кўйлаклари, ички кийимлар ҳамда ёстиқ учун оқ жилдлар тайёрланяпти. Мазкур корхона аҳли шу кунгача 2 миллион сўмлик харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Бундан ташқари, хўжаликда иккита ғишт заводи ишлаб турибди. Бинокорлик ишлари ҳажми кенгаймоқда. Кунига 80—100 тонна ун тайёрлаш қувватига эга бўлган тегирмон, 4 минг тонна дон сақлайдиган омбор қурилишлари ниҳоясига етай деб қолди.

И. ИСМОИЛОВ,
Андижон вилояти.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Фарғона дон маҳсулотлари бирлашмаси аҳли ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни дадил жорий этишга интилмоқда.

Яқинда бир кеча-кундузда 500 тонна донни қайта ишлайдиган ун комбинати капитал ремонтдан чиқарилди. Бу ердаги эски агрегатларнинг барчаси Венгрия ва Швейцария фирмаларидан келтирилган замонавий ускуналар билан алмаштирилди. Энг муҳими, корхона меҳнат жамоасининг унумли ишлаши учун тегишли шароитлар яратиб берилди.

— Илгари бўғдойнинг ўзидан 5 га яқин маҳсулот ажратиб олардик. Роса эланганини ун бўларди, — дейди бирлашма бош директори И. Раҳимов. — Эндиликда муҳандисларимизнинг ижодий изланиши туфайли қадимий сервитамин уннинг янги турини тайёрлашга эришдик.

Т. ҲАМИДОВ.

ҚИШКИ САБЗИ ЭКИЛЯПТИ

Ажабланманг. Шу кунларда Дўстлик райони хўжаликларида бўлган киши далага сабзи уруғи сочаётган деҳқонларни учратиши мумкин. Улар олинажак ҳосилларини «қишки сабзи» деб атабдилар.

Ўтган йилнинг кузида Саркисов номли давлат хўжалигининг 10 сотих ерига сабзи уруғи экилганди. Қаҳратон қиш ўтиб, баҳорнинг ўрталарида хўжаликларнинг барча ҳосилотлари тажриба майдонига тўпланишди. Мутахассислар ҳосилнинг тўла етилганлигини ўз кўзлари билан кўришди. Бу даврда бозордаги маҳсулотнинг нархи ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Сабзи етиштиришдаги энг қийин жараён ўтоқ қилиш, — дейди Қ. Раҳимов номли давлат хўжалигининг «Оқ олтин» ширкати раиси Мамарасул Қиличев. — Ҳозир экилаётган майдонларда эса ўтоқ қилинмайди. Эрта баҳордаёқ 10—15 сантиметр ўсиб улгурган экин бегона ўтнинг чиқишига йўл қўймайди.

Бу йил район бўйича 70 гектар майдонга қишки сабзи экиш режалаштирилган. Сабзаворкорлар ҳар гектар майдонда камида 20 тоннадан ҳосил етиштиришни ният қилишди. Маҳсулот ёзга қадар район аҳолисининг эҳтиёжини бемалол қоплайди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

Далада меҳнатдан сўнг мана шундай хордиқ чиқаришнинг гашти бошқача бўлади. Булар — Сирдарё вилоятининг Оқолтин районидаги А. Тонров номли давлат хўжалигининг пешқадам бригада бошлиқлари Қ. Қушалов, У. Тоштанов, А. Имонов ва Й. Имоновлар.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ИМОРАТ ҚУРИШ ТАШВИШЛАРИ

ЕКИ БЎЛАЖАК УЙ ЭГАСИНИ ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР БИЛАН ЯККАМА-ЯККА ҚОЛДИРМАСЛИК ЗАРУРЛИГИ ҲАҚИДА

Яширишнинг ҳожати йўқ: кейинги икки-уч йил ичида жумҳуриятимизда фуқароларнинг якка тартибда уй-жой қуриши давлат бинокорлик ташкилотлари имкониятларига нисбатан бир мунча ривожланиб кетди. Илгари кўпроқ уй қуриш асосан давлат маблағлари ҳисобига — пудратчилар ёки бинокорлик ширкатлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунга келиб жойларда якка тартибда иморат тиклаш авж олябти. Албатта, бунинг сабаблари бор.

Биринчидан, иқтисодиётдаги танглик туфайли бинокорлик ташкилотлари уй-жой қуриш давлат режаларини барбод қилишяпти. Аслида, ҳар бир совет оиласини 2000 йилгача алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш ҳақидаги Иттифоқ ҳукумати режалари чиппакка чиқиб қолди.

Шу боис жумҳурият ҳукумати давлат қурилишидаги оғир вазиятни ҳисобга олиб, якка тартибда уй-жой қуришга эътиборни кучайтирди. Биринчи навбатда муҳтож кишиларни ер участкалари билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ ўтган даврда аҳолига умумий майдони 165 минг гектар ер 1,5 миллиондан зиёд оилага томорқа участкаси сифатида тақсимлаб берилди.

Иккинчидан, минг-минглаб оилалар кейинги пайтда жумҳуриятда амалга оширилган тадбирлардан давлат ёрдамида баҳраманд бўлди. Шундай қилиб, ғоят ўткир ижтимоий муаммолардан бирини ҳал этиш йўлида муҳим қадам қўйилди. Хўш, бугунги кунда аҳоли яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланяптими? Вилоятларда якка тартибда уй қуриш учун ер олган фуқароларга қай тарзда ёрдам берилмоқда? Аҳолини қурилиш материаллари, маблағ билан таъминлашда ижтимоий адолат принципларига амал қилиняптими?

Аввало шуни айтиш керакки, ўтган йили 6472 минг квадрат метр шахсий уй-жойлар қурилди. Жумҳуриятда барпо этилган ҳар юзта уй ва квартирадан қарийб 60 таси якка тартибдаги қурилишга тўғри келди. 1991 йилда шахсий уй-жой қуриш 1988 йилга нисбатан 2,5 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ташкилоти раҳбарлари жумҳурият истеъмол бозорини бинокорлик материаллари билан тўлдиришнинг самарали тадбирларини кўришмаяпти, таъминотчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини етарли мустаҳкамлай олишмаяпти.

Шу кунгача пландаги 831 минг куб метр ўрнига фақат 152 минг куб метр ёғоч, 1326 минг куб метр кесилган ёғоч-тахта ўрнига 392 минг куб метр ёғоч материаллари сотиб олинди, холос. Мутахассислар ҳисобига кўра, ҳар бир шахсий уй-жой қурувчига ўртача 250—300 сўмлик бинокорлик материаллари тўғри келяпти. Ҳозирги таркиб топган бозор баҳосида бу суммага 05, куб метр ёғоч-тахта ёки 2 минг дона пишиқ ғишт сотиб олиш мумкин.

Жумҳурият прокуратураси ва халқ назорати қўмитаси ходимларининг текширувларига кўра, шу нарса маълум бўлдики, савдо ташкилотлари олиб келаётган ўрмон-қурилиш материаллари тўлалигича шахсий уй-жой қураётган аҳолига етиб бормаяпти. Аслида савдога келиб тушган қурилиш материаллари маҳаллий Советлар ижроия қўмиталари томонидан навбатда турган шахсий уй эгаларига ҳужжат асосида берилиши керак. Бироқ айрим вилоятларда бунинг тескариси бўляпти.

Жумладан, Бухоро вилоятидаги ўрмон-қурилиш материаллари сотиш («Бухараоблсстройторг») бирлашмаси ижроқўм тасдиқлаган амалдаги қоидани бузиб, 55 та ташкилот ва ширкатга нақд ҳисоб-китобсиз 1374 минг сўмлик бинокорлик материалларини сотиб юборган. Бундай материаллар ғоят тақчил бўлиб турганига қарамай, матлубот кооперациясининг дўконлари уларни «эркин», аниқроғи ихтиёрий тарзда сотишни афзал кўрмоқдалар.

Айрим ҳолларда ижроия қўмиталарининг масъул ходимлари ҳам ўз хоҳишларига кўра, навбатда турганларни четлаб ўтиб қурилиш материаллари тақсимлашяпти. Масалан, Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари О. Мовсесяннинг хат орқали топшириғи билан 142 кишига навбатдан ташқари 3150 дона шифер ажратилган. Айни пайтда Бухоро районидаги «Правда» колхозидан уй қуриш ниятида юрган Ҳасан Муҳамедов эса бир йилдан буён қўлида махсус талони бўла туриб, қурилиш материаллари ололгани йўқ. Ваҳолонки, бинокорлик материаллари районга ўтган даврда бир неча марта келтирилган.

Ижтимоий адолат бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар Наманган, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ҳам учрамоқда. Кесилган ёғоч-тахта материаллари фонди Наманган вилоятида етишмай турган бир пайтда Задарё матлубот жамияти 480 куб метр ёғоч-тахтани, 186 тонна цементни, Гуртепа қишлоқ матлубот жамияти эса 519 куб метр материални, 5290 дона шиферни «эркин» баҳоларда сотиб юборишди.

Самарқанд вилоятида ҳам қурилиш материаллари фондларини тақсимлаш рисоладагидек эмас. Бу ердаги матлубот уюшмаси материалларни бошқа ташкилотларга асоссиз равишда тақсимлаяпти. Масалан, Челак шаҳар матлубот жамияти 1.4 минг куб метр ёғоч-тахта материалларини ширкатларга сотган бўлса, Самарқанд район матлубот уюшмаси эса 780 куб метр кесилган ёғоч-тахтани, 9330 дона шиферни, 485 тонна цементни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Ўзбекистон Халқ назорати қўмитаси ва жумҳурият Прокуратураси ходимларининг жойлардаги текшируви натижасида маълум бўлган ушбу фактларни ўқиб, мулоҳазага борасан киши. Хўш, кимнинг манфаатлари йўлида шундай қилинмоқда? Нега маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталари қурилиш материалларини тақсимлашда ижтимоий адолат принципларидан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйяпти?

Гапнинг рости, Ўзбекистон Президентининг жумҳурият аҳолиси шахсий уй-жой қуришини ривожлантириш ҳақидаги Фармони, жумҳурият ҳукуматининг Ўзбекистон Республикасида якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарорининг айрим вилоятларда секинлик билан амалга оширилиши шахсий уй қурувчилар ва аҳоли ўртасида ҳақли эътироз уйғотмоқда.

Шундай экан, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият, айниқса вилоят ва район Кенгашлари бу ижтимоий вазифанинг ўта муҳимлигини тушунган ҳолда шахсий уй-жой қурилишига эътиборни кучайтиришлари, бўлажак янги уй эгасини вужудга келадиган кўпдан-кўп муаммолар орасида якка қолдирмасликлари зарур. Ўзўзидан равшанки, бинокорлик материалларини тақсимлашда адолатли бўлиш лозим. Ҳа, бу соҳада ҳеч кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлган муаммолар кўп. Бироқ уларнинг барчаси ҳамжиҳатликни тақозо этади. Ана шунда жумҳуриятимизда кўплаб оилаларнинг янги уйларга кўчиб ўтиши бирмунча тезлашади.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
А. ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон халқ назорати қўмитаси инспектори.

● *Долзарб мавзуда*

Наманган вилоятининг Қўқимбой адирлари бир пайтлар қақраб ётарди. Наманган райони меҳнат аҳлининг саъйи-ҳаракати билан бу ерда «Самарқанд» узумчилик давлат хўжалиги барпо этилди. Бу йил хўжаликда куз неъматларидан жами 3,5 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда. Бу — ўтган йилдагидан бир миллион сўм кўпдир.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Азиза Эшонбобоева илғор миришкорлар Собиржон Маҳмудов ва Ҳакима Қодировалар билан узум сифати ҳақида фикрлашмоқда.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Сизда қандай янгиликлар бор?

ХИТОЙЛИК ҲАКИМЛАР

● **Андижон — Урумчи шартномасига асосан хитойлик машҳур ҳаким, профессор Му Чуан Шинь бошлиқ бир гуруҳ таниқли шифокорлар Андижонга ташриф буюрдилар. Улар орасида Суй Синьхуа, Вань Сянь, Чжон Лишин, Мунь Нунь, Цзин Мин хоним. Тан Цзе ва бошқа ўз касбининг билимдонлари бор.**

Хитойлик ҳакимлар Андижонда бир йил туриб, юрак-қонтомир, ўпка ва нафас йўли, қандли диабет, тери касалликлари, жинсий ожизлик, жигар, буйрак, пешоб йўли, қўл-оёқ касалликларини уқалаш, массаж қилиш, турли доривор гиёҳлар ва игна билан даволайдилар.

— Хитойдан 180 минг сўмга бир ярим тонна доривор гиёҳлар, асбоб-ускуналар сотиб олдик, — дейди «Андижон» уюшмасининг бошлиғи Исомиддин Садиров. — Беморларга пуллик хизмат кўрсатилади. Даволанишни ҳоҳлаган беморлар Андижон шаҳридаги тиббий-санитария муассасаси қошидаги Совет — Хитой ҳамкорлиги марказига келиб, рўйхатдан ўтишлари, турар-жойидан тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Улар ўз касаллиги бўйича белгиланган миқдорда пул тўлаб, шифокорлар қабулида бўладилар. Шифокорларга эса иш ҳақи ҳисобига моддий ёрдам берилади.

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

● **Андижон Давлат тиллар педагогика олий билимгоҳи қошида чет тилини ўрганиш маркази ташкил топди. Марказга ўрта махсус билим юртлари талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар, халқ хўжалиги мутахассислари ва бошқалар қабул қилинади.**

Инглиз, немис, француз, араб ва форс тилларини ўрганишга қизиққан кишилар хорижий тилларнинг бири бўйича суҳбатдан ўтадилар. Ўқиш муддати уч ойдан бир йилгача. Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шартнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ марказга тил ўрганиш учун келганлар ҳафтасига олти соатгача ишдан ойлик маоши сақланган ҳолда озод этилади.

Имтиҳонлардан ўтган талабаларга марказда ўқиганлиги тўғрисида ҳужжат берилади. Улар хорижий мамлакатларга иш ўрганишга юборилади.

А. ҚУРОНБОЕВ.

Жалол Бобоев камтарин инсон, у билан ҳамсуҳбат бўлган киши қалбида илиқ таассурот қолдиради. Заҳматкаш олим ўзига ва шогирдларига ўта талабчан. У ҳақда гап кетгудек бўлса «меҳнатсевар инсон» дея эътироф этадилар. Аслида эса фақат меҳнатсеварлик да эмас, балки қатъий интизом, талабчанлик ўз касбининг нозик томонларини пухта билишидадир.

Устоз 30-йилларда Ўрта Осиё давлат дорилфунуни ни муваффақиятли тамомлаб, Москвадаги Олий партия мактабида таҳсил олди. У мураббийлик фаолиятини Тошкент Давлат педагогика илмгоҳида бошлади. Олим Ўзбекистонда фалсафа фанини ривожлантиришда тамал тошини қўйганлардан.

Улуғ Ватан урушидан кейинги оғир йилларда у Тошкент қишлоқ хўжалиги, Хоразм педагогика, Тошкент тиббиёт олийгоҳлари талабаларига сабот билан билим берди.

Жалол Мансурович жумҳуриятимизда олий партия мактаби тингловчиларига билим беришда ҳам хизмати бениҳоя катта. У узоқ йиллар Тошкент Олий партия мактабининг фалсафа кафедрасини бошқарди. Жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. У бир неча монография, дарслик ва илмий мақолаларнинг муаллифидир. «Марксга қадар бўлган фалсафада материализм ва идеализмнинг кураши», «Билиш назарияси», «Материализм ва идеализм курашининг асосий босқичлари» каби китобларидан бир неча авлод баҳраманд бўлдилар.

Ўқитидорли олим 1967 йилдан буён Тошкент Давлат дорилфунунида фалсафанинг давомчиларини тайёрлаш билан машғул. Узоқ йиллик мураббийлик фаолияти, машаққатли изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Зеро, халқимизда шогирдсиз устоз бамисоли мевасиз дарахтдир, деган нақл бор. Бу халқ нақлини олим ўз иш фаолиятида дастур деб билди. Унинг раҳбарлигида бир қанча илмий кадрлар, 14 нафар фалсафа фани номзодлари етишиб чиқди.

Фалсафа фанининг иқтидорли ёшлари олимни ҳақли равишда «устоз» дея ҳурматлайдилар, эъзозлайдилар. Ҳозирги кунда олим раҳбарлигида бир гуруҳ ёш файласуфлар «Ўрта Осиё халқларининг фалсафий тафаккури тарихи» муаммолари устида қунт билан иш олиб боряпти.

Жалол Бобоев ёш кадрларни тайёрлашда ўзининг ёркин ижодий фаолияти, ҳалоллиги ва қатъийлиги билан ҳамиша ибратдир.

С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон файласуфлар жамияти президенти.
А. ОБИДЖОНОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни фалсафа куллиётининг ўқитувчиси.

● *Фанимиз заҳматкашлари* ●

ҲАМИША НАМУНА

Муштарий минбари

● **Хўжайлидан — Р. ЕРИМБЕТОВ.**

ГАП ИШБИЛАРМОНЛИКДА

Нон комбинатининг мутасаддиси сифатида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси мустақил, деб эълон қилингандан бошлаб, маҳсулотлар сифатига нисбатан масъулиятни кўпроқ ҳис этаётганимизни сезяпман. Умуман корхоналарнинг ижарага ўтказилаётгани иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ортиб бораётир.

Илгари юқоридан олинадиган кўрсатмалар бўйича иш юритиларди. Ҳозир эса ҳамма нарса корхона мутахассисларининг тадбиркорлиги-ю ишбилармонлигига боғлиқ бўлиб қолди. Биз айни пайтда меҳнаткашлар истак-талаби асосида иш юритаяпмиз. Миллий нонларнинг турларини кўпайтиришга, қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлашга эътибор қилинмоқда.

● **Киевдан — Д. ЕРЕМЯН.**

ҚУШИҚЧИ БОЛАЛАР

Украинанинг Хмельницкий шаҳрида болалар оғзаки ижоди бўйича фестиваль ўтказилди. Қўшиқчи болалар анжуманида Краснодар ўлкаси, Чечен-Ингуш муҳтор республикаси ва ўзбекистонлик ҳаваскорлар иштирок этишди. Бош соврин Моршинскдан келган болаларга насиб этди, Гулистон шаҳар болалар музика мактаби дастаси ҳам совринли ўринни эгаллади. Яккахон қўшиқчилар орасида хивалик Очилбек Матжоновнинг чиқишлари мутахассислар эътиборини қозонди. Фестивалда 1200 нафардан ортиқ бола қатнашди.

● **Ўзгандан — Х. ТЕШАБОЕВ.**

БИР ЙИЛАБ ҚУРСАК

Ўтган йили ёзда Ўзган, Ўш шаҳарларида юз берган воқеалар тўғрисида эслагинг ҳам келмайди. Бойси, Ўзбекистоннинг қўшни районларидан турли сабаблар билан бу томонларга келган чорвадор, механизатор, асаларичилар фожиа қурбони бўлишган. Мен Ўзган шаҳар дафн хизмати бошлиғи сифатида кутилмаганда пайдо бўлган қабрларни кўрганда қаттиқ қуюнаман. Чунки, бу ерларда ётганларнинг кимлигини ҳам аниқлашнинг имкони бўлмаган. Улар орасида турли миллатга мансуб кишилар бор. Ҳозир Ўзган шаҳар уруш ва меҳнат фахрийларининг маслаҳати билан савобли ишга қўл уриб, шаҳидларнинг хотираларини абадийлаштириш ҳақида ўйлаяпмиз. Агар қабристон ободонлаштирилса кўп савобли иш қилинган бўларди, деган фикрдаман. Умуман шу ишга даҳлдор мутасадди ўртоқлар ҳам бу борада жиддийроқ ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўлармиди?!

БАЛИҚ НЕГА КАМАЙМОҚДА?

ОЛИМ МУАММО ҚЎЯДИ

Мен экология тарихида буюк фожиа ҳисобланган Орол масаласи устида тўхталмоқчи эмасман. Лешч, зоғора, оқ қайроқ. Орол шипи каби балиқларнинг камайиб кетиши, умуман жумҳуриятимиз сув ҳавзаларида балиқларнинг йўқолиб кетиши сабаблари хусусида фикрлашмоқчиман.

Деярли ҳамма сув ҳавзаларимизда учрайдиган зоғора, туркистон усачи, лаққа, оқ қайроқ каби балиқлар ниҳоятда камайиб кетди. Буларга асосий сабаб нима? Ахир яқин-яқинларгача дунёга машҳур бўлган Орол усачини айтмайсизми? Ўзининг лаззатлилиги билан қайси бир балиқдан кейин турарди? Эндиликда қани ўша балиқларимиз? Унинг тузланган, дудланган гўштини фақатгина ҳавас билан эслаймиз, холос.

Экология тарихидаги бу фожиа фақатгина Орол денгизи сувининг қуриб кетиши эмас, айни бир вақтда неча юзлаб, минглаб йиллар давомида улкан бойлигимиз ҳисобланган юқорида номлари зикр этилган балиқларимизнинг йўқолиб кетиши ҳам жамиятимизнинг келгуси авлод олдидаги жиноятидир, деб ўйлайман. Буни ўз қўлимиз билан қилмадикмикан? Шу бойликларимизни ўз қўлларимиз билан барбод этмадикмикан? Ана шулар ҳақида тўхталмоқчиман. Буюк табиатимизга зарар келтирган муаммолар ҳақида гапирмоқчиман.

Кейинги 25—30 йил давомида биз деярли ҳамма дарёларимизни жиловлаб, кўплаб йириқ гидроиншоотлар қуриб, бепоён чўлларни ўзлашти ришга киришдик. Пахта майдонларини ниҳоятда кенгайтириб юбордик. Натижада Аму ва Сирдарё сувлари Оролгача етиб келмади. Пахта яккаҳокимлигига берилиб, сувимизни беҳудага сарфладик, холос. Натижада мана шу ачинарли ҳолатга жуда тез етиб келганимизни ҳатто ўзимиз ҳам сезмай қолдик.

Табиийки, қурилган сув иншоотлари ўз навбатида дарёларимизда яшайдиган хилмахил балиқларимизнинг яшаш шароитларига салбий таъсир этди. Улар ўзларининг кўпайиши учун керакли бўлган жойларга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Номлари тилга олинган балиқлар — Орол усачи, Орол шипи, умуман бошқа кўплаб балиқлар кўпайиши даврида Орол денгизидан Аму ва Сирдарё орқали юзлаб, ҳатто минглаб чақирим масофаларни босиб ўтиб, уруғ қўяр эди, улардан чиққан балиқ чавоқлари оқим бўйлаб Орол денгизига қайтар эди.

Бу ҳолда кўпайишга мослашган балиқлар кўчманчи балиқлар, деб аталиб, улар кўпайиш учун албатта шўр денгиз сувидан чучук дарё сувларига ўтиб маълум масофани босиб ўтишлари зарур, акс ҳолда улар ўз уруғларини соча олмайдилар. Бундай балиқларга кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, Каспий денгизида яшайдиган, кўпайиш даврида Волга ва Эрондаги дарёларга ўтадиган осётр (бакра) балиқлари, Тинч океанида яшаб, Узоқ Шарқдаги Амур дарёсига чиқиб, тухум сочадиган кета ва горбуша балиқларидир. Кета ва горбуша балиқлари ўзларининг бор қувватларини бир неча минглаб чақирим масофани босиб ўтишга сарфлайди, тухум сочгандан кейин эса нобуд бўлади.

Хўш, юқорида номлари зикр этилган балиқларни, келажак авлод худди биз геологик қатламлардан қазиб олинган динозаврларни музей экспонатларидагина кўрганимиз каби кўрмаслиги учун нималар қилмоғимиз зарур?

Бунинг учун энг аввало ушбу балиқларни сунъий кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш зарур. Ана шундай технология борасидаги илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш давримиз талаби, келажак авлод талабидир. Сунъий сув ҳавзаларимиздан овланадиган балиқлар — зоғора, туркистон усачи, лойхўрак, лаққа, кумуш товон, оқ қайроқ, оқ сила, шунингдек, ўсимликхўр балиқлардан оқ амур, дўнг пешона кабиларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш бунга имкон беради.

Булар орасида яқин кунларгача энг кўп тарқалгани ва овланган балиқларнинг 70—80 фоизини ташкил қилгани, энди эса айрим сув ҳавзаларидагина учрайдиган зоғора балиқдир. Бу балиқ асосан Каттақўрғон, Қуйимозор, Тўдакўл, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Толлимаржон сув омборларидан ҳамда ташландиқ сувлар ҳисобига ҳосил бўлган Арнасой, Сариқамиш, Денгизкўл каби кўллардан овланади. Уларнинг баъзиларида зоғора балиқ ва бошқа айрим тур балиқлар ниҳоятда камайиб кетмоқдаки, натижада балиқ овлашни айрим сув ҳавзаларида маълум бир вақтга тўхтатиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Сурхондарё хилма-хил балиқларга бой бўлган дарё ҳисобланади. Унинг юқори — тоғли қисмларида гул балиқ, ширмоҳи, тоғ ён бағридаги қисмида лойхўрак, Туркистон усачи каби балиқлар учрайди. Маълумки, Сурхондарё Амударёнинг бир ирмоғидир. Гидроиншоотлар қурилмасдан аввал кўпгина балиқлар кўпайиш учун оқим бўйлаб дарёнинг юқори қисмларига кўтарилар эди. Шу боис бўлса керак, балиқлар тури кўп эди. Жумладан, зоғора балиқ ҳам. Тўғри, Сурхондарё ўзанида барпо этилган Жанубий Сурхон сув омборидан ҳам ҳар йили юз—икки юз тонналаб балиқ овланиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинар эди.

Энди эса бу сув ҳавзасида оқ қайроқ, лаққа, лойхўрак, Туркистон усачи жуда камайиб кетди. Зоғора балиқ эса яккам-дуккам ҳолда учрайди. Бундай ҳолни жумҳуриятимиздаги барча сув ҳавзаларига тегишли десак хато қилмасак керак. Шуни эътиборга олган ушбу сатрлар муаллифи Жанубий Сурхон сув омборида балиқ заҳирасини кўпайтиришни йўлга қўйиш учун илмий тавсияноме ёзиб Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Жанубий Сурхон сув омборида балиқ заҳирасини тиклаш мақсадида уч йил давомида овлаш ишларини тўхтатиш тўғрисида таклиф киритди ва бу таклиф қабул қилинди. Бу тадбирий чоралар келгусида балиқларнинг кўпайишини, уларни овлаш даражасигача кўтариш ва шу орқали ушбу сув ҳавзасидан яна 200—250 тонналаб балиқ олиш имкониятини беради. Бунинг учун эса Сурхондарё балиқчилик хўжалиги ҳар йили сув омборига зоғора ва шунга ўхшаш тез ўсар балиқ турларининг чавоқларини қўйиши зарур бўлади.

Шу билан бир қаторда уларни асраш ишларини олиб бориш ҳам муҳимдир. Бу масалаларни ҳал этишда вилоят табиатни муҳофаза қилиш ходимларидан тухум қўйиш даврида овлаш ишларини ман қилишни, шунингдек, тухум қўйиш даврида сув сатҳининг бир миқдорда сақланиб туришини таъминлаш, айниқса, бу даврда браконьерларга нисбатан шафқатсиз бўлиш талаб этилади. Бу ишлар албатта келгусида халқимизни балиқ маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Балиқ бойликларининг камайиб кетишига асосий сабаблардан бири — бу гидротехник иншоотлар қурилиши бўлса, яна бири балиқнинг тухум қўйиш даврида ҳавзалардаги сув сатҳининг бир меъёрда сақланиб турмаслигидир. Маълумки, балиқлар ўз уруғларини қирғоққа яқин жойга қўйишади. Ана шу вақтда сувнинг кескин камайиб кетиши оқибатида жуда катта миқдордаги балиқ уруғлари-ю, чавоқчалари қуруқликда қолиб кетиб, нобуд бўлади.

Бу ҳолларга йўл қўймаслик учун сув хўжалиги раҳбарлари балиқларнинг ҳаёт шароитларини, уларнинг кўпайиш даврларини ҳисобга олган ҳолда сув сатҳини кескин тушириб юбормасликлари зарур.

Шунингдек, балиқ заҳирасини кўпайтириш учун балиқшунос олимларимизнинг илмий тавсияларини ҳисобга олган ҳолда сув ҳавзалари олдида балиқ ўстириш питомникларини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Масалан, Сурхондарёда, Жанубий Сурхон сув омбори ёнида, Қашқадарёда эса Чимқўрғон, Бухорода Тўдакўл сув ҳавзалари ёнида балиқ ўстириш питомниклари ташкил қилиш зарур.

Бугунги куннинг асосий талаби эса сув ҳавзаларимизга ҳар хил заҳарли химиявий чиқиндилар — гербицид, пестицид келиб тушишининг олдини олишдир. Айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, бугунги кунда камёб ва ноёб балиқ турларини асраш, уларни келажак авлодга қазилма ҳолатида эмас, балки тирик ҳолатда етказиш экологик муаммолар ичида заруринининг заруридир.

Абдулла ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти ихтиология ва гидробиология лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори.

СПОРТ

МЕҲР-ОҚИБАТ ОШУФТАЛАРИ

● Шу кунларда республикамиз пойтахтида турли мамлакатлардан келган ногирон футболчилар жамоалари меҳмон бўлиб турибди. Улар йирик ўйингоҳларда жаҳон кубоги учун куч синашадилар. Мусобақада Тошкентнинг «Матонат» футбол жамоаси ҳам қатнашади. Мухбиримиз шу муносабат билан «Матонат» спорт-соғломлаштириш клуби раиси А. КУКУШКИН билан суҳбатлашди.

— Ногирон футболчи жамоалари ўртасида бундай халқаро учрашувлар ўтказилиши қачондан бошлаб расм бўлди?

— Маълумки, Афғонистондаги кўп йиллик уруш оқибатида мамлакатимиз, қолаверса, ўзбекистонлик йигитлардан қанчаси қурбон бўлди ёки уйларига ногирон бўлиб қайтишди. Сирасини айтганда, ўша кезлари навқирон йигитларнинг кўнглини овлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб, катта ҳаётга қайтариш, ақлий ва жисмоний имкониятларини ишга солиш осон бўлмади. Шундай кезлардан бирида Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг Сиэтл шаҳридан тадбиркор, айни пайтда саховатпешқ Билл Барри ташриф буюрди. У ўз ватанида ногирон йигитлар ўртасида «Инфут» номида юритилувчи футбол жамоаси ташкил этгани ва унинг самараси ёмон бўлмаётгани ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиё республикаларида ана шундай савобли ишга қўл уриш кераклиги ҳақида таклиф киритди.

Америкача ишбилармон бу киши ногирон йигитларга махсус қўлтиқтаёқлар, мосламалар ва сунъий оёқлар борлиги ҳақида гапириб, кўпчиликни қайратга солди. Биз ҳам тошкентлик ногирон йигитлар билан суҳбатлашиб, футбол жамоаси ташкил этмоқчи эканлигимизни билдирдик. Албатта, йигитлар олдин ҳайрон бўлишди. Кейин тушуниб етишди. Бугунги кунда кучли тўпурар бўлиб турган Аъзам Исматов биринчи бўлиб футболчиликка ёзилди. Ана шу тариқа мамлакатимизда биринчи ногиронлар футбол жамоаси — «Матонат» таркиб топди. Ҳозир бу жамоада 30 йигит шуғулланади. Йигитларга собиқ пахтакорчи Вячеслав Алпатов устозлик қилмоқда.

— «Матонат»нинг номи ҳозир кўпчиликка таниш. Қисқа фурсатда довруғ таратди, десак ҳам муболаға бўлмас.

— Фахрлансак арзийдиган ишларимиз бор. Ҳозир Фарғона, Урганч шаҳарларида ҳам ана шундай жамоалар тузилган. Москва, Барнаул, Владивосток шаҳарлари ҳам шу рўйхатдан ўрин олиб турибди.

— Футболчиларимизнинг дастлабки ўйинлари ҳақида нима дейиш мумкин?

— 1989 йили «Матонат» илк бор сафарга чиқди. Ногирон футболчилар халқаро уюшмасининг таклифи бўйича Сиэтл шаҳрида жаҳон кубоги учун мусобақада қатнашди. СССР терма жамоаси сифатида майдонга тушган футболчиларимиз ўз номларига яраша ҳаракат қилишди. Тўртинчи ўрин футболчиларга катта қувонч келтирди. Кейинги йилнинг май ойида Ўзбекистон пойтахтида биринчи марта Бутуниттифоқ турнири ташкил этилди. Мақсад СССР терма жамоасини таркиб топтириш эди. Асосан «Матонат» ўйинчиларидан таркиб топган ана шу жамоа ўтган йили биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон кубогини қўлга киритди.

— «Матонат»нинг Тошкент учрашувларига тайёргарлиги ҳам муваффақиятли ўтган бўлса керак?

— Яқинда Доғистон пойтахтида очиқ турнир ўтказилди. Бир қанча жамоалар «Советская Россия» рўзномаси совғини учун баҳслашишди. 6 жамоа ўртасида Самарқанднинг «Суғдиёна» футболчилари иккинчи ўринни эгаллашди. Мусобақа охирида Тошкент баҳсида иштирок этувчи СССР терма жамоаси тузилди. Шунинг ўзи ҳам мусобақага атрофлича ҳозирлик кўрилаётганлигидан далолат беради. «Матонат»га келсак, футболчиларимиз 20 кун мобайнида Тошкент яқинидаги Янгиобод спорт базасида қизғин ҳозирлик кўришди. Йигитларимизнинг руҳлари тетик. Футболчиларимизни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари тўғри ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта бошқаруви ўтган йили 30 минг сўмлик маблағ ажратиб, хомийлик қилган эди. Бу йил 15 минг сўм берилди. СССР терма жамоаси ҳам ўзи билан 11 минг сўм олиб келди.

— Соврин учун кураш қай йўсинда давом этади?

— Низомга мувофиқ республика пойтахтига ташриф буюрган АҚШ, Сальвадор, Англия, Бразилия, Барнаул, «Матонат» футболчилари жамоалари ўртасида аввал кичик футбол ўйинлари ўтказилади. Бундай учрашувлар Қибрай спорт базаси ўйингоҳида бўлади. Кейин Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» ўйингоҳида жаҳон кубоги учун кураш бошланади. Саралаш ўйинлари 15 минутдан икки бўлимли қилиб ўтказилса, ҳал қилувчи учрашувлар тўрт бўлимдан иборат бўлади. Ўйлаймизки соврин учун кураш меҳр-оқибатга ошуфта футболчиларнинг кўнглини кўтариб, мухлисларни мамнун этишда муҳим аҳамият касб этади.

Суҳбатдош Ҳ. НОСИРОВ.

ЎЗГАЛАР МАЙДОНИДА

● ИККИНЧИ лиганинг шарқий минтақасига жамланган футбол жамоалари ҳам мавсумни муваффақиятли якунлашга интилишмоқда. Айни пайтда «Океан» футболчилари 53 очко билан ягона пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи-учинчи ўринларда бораётган «Копетдоғ» ва «Олга» жамоалари ҳисобида 49 тадан очко бор. Ўзбекистон футбол жамоаларининг тутган мавқелари жуда ҳам қувонарли эмас. Бунинг устига улар навбатдаги ўйинларни сафарда ўтказиб, имкониятни бой беришди. Ҳозир «Нурафшон» 39 очко билан саккизинчи ўринда бормоқда. Сурхончилар (25 очко) охирги ўринни тарк этишолмаяпти.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

● ТОШКЕНТ яқинидаги «Қибрай» ўйингоҳида ногирон футболчилар жамоалари ўртасида халқаро учрашув ўтказилмоқда. Жаҳон кубоги учун ўтказиладиган катта ўйин олдидан бўладиган анъанавий кичик футбол учрашувлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Дастлабки натижалар ҳам маълум бўлди: АҚШ — Салвадор — 1:1, Англия — Бразилия — 0:0, Барнаул — «Матонат» — 0:5. Кеча ғолиблар аниқланди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИ ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ

жаҳонининг барча мамлакатлари билан автомат телефон, телефакс, телекс алоқани таъминлайди.

Эркин алмаштириладиган валюта билан ҳақ тўланади.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 129-алоқа бўлими. Навоий кўчаси, 28-уй. Телефон: 44-37-55.

Тошкент халқаро электр алоқалар маркази.

«Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

Банки

ҲУРМАТЛИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ОМОНАТЧИЛАРИ!

Сизнинг манфаатларингизни ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон жамғарма банки қариндошлар номига ёки жамғармаларнинг бошқа турларига қайта расмийлаштириш учун 1991 йилнинг 1 мартидан 25 мартигача ёпиб қўйилган омонатлар бўйича, шунингдек фойдаланилмай қолган ва омонатга қайтарилган ҳисоб чекларини бериш муносабати билан ёпиб қўйилган омонатлар бўйича 40 фоизлик товон тўлаш муддатларини узайтирди.

Агар Сиз илгари белгиланганидек, 1 июлгача ана шу хилдаги омонатлар бўйича товон тўланишини расмийлаштиришга улгурмаган бўлсангиз, 1991 йил 15 декабрга қадар Жамғармалар банкининг ўзингиз яшаб турган товон тўлаш ҳақидаги ариза билан район бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

Ўзбекистон Республика жамғарма банки

«Союзреклама» Акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

• АХБОРОТ •

НУКУСДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

● Кенес Каримовнинг халқ эртаги асосида ёзилган «Ариқ мерган» пьесаси асосида қўйилган саҳна томошаси билан мухтор жумҳуриятда биринчи марта қўғирчоқ театри ўз фаолиятини бошлади.

Томошалар миллий оҳанглар билан уйғунлашган бўлиб, кичик томошабинларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Пьесани саҳналаштиришда режиссёр Р. Турениёзов, мўйқалам усталари И. Алибеков, И. Муҳитдиновларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОКОР НОМИДА

● Қашқадарё вилояти 1-касалхонаси шифокор Расул Арслонов номи билан юритиладиган бўлди.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига биноан касалхонага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Расул Арслонов номи берилди. У ана шу шифо масканида узоқ йиллар ишлаб, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор топган эди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ҚИДИРИЛМОҚДА

Уйчи ноҳия Ички ишлар бўлими томонидан 1948 йилда туғилган Абдунаби Ғаниев қидирилмоқда. У Уйчи қўрғончасидаги Карнайчи кўчаси 27-уйда яшаб, Уйчи ноҳияси ремонт ишлаб чиқариш корхонасида уста бўлиб ишлар эди. Шу йилнинг 27 сентябрь куни соат 15.00 да ишхонасидан чиқанича, номаълум томонга кетган ва уйига бошқа қайтиб келмаган.

Абдунаби Ғаниевнинг асосий белгилари: Чуст дўппи, кул ранг камзул, кўк рангли шим, кўкрак томони мовий ва пастки қисми жигарранг уч тугмали эркаклар жемпери ва қора туфли кийган.

Уни кўрган ёки дарагини билганлардан Наманган вилояти Уйчи ноҳия Ички ишлар бўлимига 21-242 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

О. САЙДАЗИМОВ,
Уйчи район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори.

• ОДОБНОМА •

ОИЛА

Тарихдан шу нарса аёнки, оилалар мустаҳкам бўлган, равнақ топган мамлакатлар қудратли, бой ва фаровон бўлган.

Хўш, ҳозирги пайтда оилаларнинг аҳволи қандай? Очиғини айтганда жамиятимиздаги жиддий аҳвол унга ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Шунданми, оила ва жамият ўртасида кучли қарама-қаршилик пайдо бўлди, оталар ва болалар ўртасида ўзаро бир-бирларини тушунмаслик кайфияти туғилди. Оилалар турмуш даражасининг моддий жиҳатдан бир-бирига теңг эмаслиги, қадимий миллий урф-одатларнинг йўқолиб бориши, миллий қадриятларнинг камситилиши, жамиятда кенг илдиз отган бюрократизмнинг кучлилиги, тарбиянинг издан чиқиб кетиши оилани вайрон қиляпти.

Оиладаги жанжаллар, эр-хотин ўртасидаги қарама-қаршиликлар жамиятга ҳам иқтисодий, ҳам ахлоқий-маънавий зарар келтиряпти. Кузатишлар шуни кўрсатаяптики, эр-хотин эрталаб «сан-ман»га бориб ишга кетса то иш жойига бориб-ўтгунча уриш хаёлан давом этади. Натижада иш жараёнида у ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан қаттиқ чарчайди, меҳнати унумсиз, ишлаб чиқарган маҳсулоти сифатсиз бўлади.

Бундан жамиятимиз, миллатимиз катта моддий ва маънавий зарар кўрмоқда. Шуни ачиниш билан айтиш керакки, оиланинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида эр-хотиннинг ўзаро ҳамкорлиги тобора сусайиб бормоқда. Агар бу азалий ҳамкорлик қайта тикланмаса оилаларда моддий-маънавий шароит янада оғирлашиб, қўйди-чиқдиларнинг сони эса янада ошиб бораверади.

Мамлакатда, жумладан жумҳуриятимизда турмушни иқтисодий, маънавий тангликдан қутилтиришнинг энг муҳим омилларидан бири оила муносабатларини илиқлаштиришдан иборатдир. Афсуски оилавий жанжаллар сони кун сайин ошиб бораяпти. Ҳатто қишлоқ жойларида ҳар юз никоҳдан 15—25 таси парчаланиб кетмоқда. Бу қудаандалар ўртасидагина совуқлик пайдо қилиб қолмасдан, балки бутун бир авлод, қариндош-уруғлар орасига низо солади. Жойлардаги раҳбарлар, суд, прокуратура, милиция органлари ва оқсоқолларнинг қулоғи тинмайди. Оилавий жанжаллар болаларнинг ўқишига, дарсларни ўзлаштиришига, хулқ-атворига ёмон таъсир этмоқда. Ота-онаси жанжалининг гувоҳи бўлган фарзанд кайфиятсиз, руҳий тушкун ҳолда мактабга боради, ўтиладиган дарсларга қулоқ солмай ўтиради. Хаёлида ота-онасининг бир-бирига бақириб-чақиргани, қулоғига ўқитувчининг гапи кирмайди. Дарсга қулоқ солмаётган ўқувчидан ўқитувчи койиниши турган гап. Баъзан бундай ўқувчига дарсни ўзлаштирмагани учун «2» баҳо қўяди, баъзида дарсдан чиқариб юборади... Икки ўртада боланинг аҳволи оғирлашади, уйига ҳам, мактабга ҳам сиғмай қолади. Ҳаётидан тўйиб кетган бола ёмон хаёлларга боради. Уйдаги жанжал болалар ухлаши олдидан содир бўлса борми у тун бўйи ёмон ухлайди. Шу кеча унинг 20 миллион асаб хужайралари ўлади. Ота-оналарнинг сурункали жанжаллари боланинг соғлигини тиклаб бўлмас даражада заифлаштиради. Унинг ақли, тафаккури ўтмаслашиб қолади, ҳатто жинсий қуввати ҳам суст ривожланади.

Бундай оилаларда таълим олган болалар турмуш қуришганда ҳам ноахил ҳаёт кечирадилар...

Таажжубки, оилалар билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Маҳалла фаоллари қачонки ур-йиқит, тўс-тўполон бўлгандан кейингина оила ичига кириб борадилар. Ахир бунгача аёл неча бор эрининг ичиб келиб, ур калтак, сур калтак қилганидан уларга хасрат қилиб чиққан бўлади... Ўқувчининг дарсларни ўзлаштириши пасайиб кетгани, характерида тажанглик, урушқоқлик аломатлари пайдо бўлганини сезиб юрган ўқитувчи ҳам ана шу оилага ташриф буюришни бугундан эртага, эртадан индинга қолдиради... Суд, прокуратуранинг эр-хотинга панд-насиҳат қилишга вақти йўқ... Яхшиси, икки томоннинг рози-ризолигини олади-ю тезгина ажратиб юборавераді...

Шундай қилиб оила жамиятдан узилиб қолди, эндиги вазифа оила ва жамият ўртасидаги узилган ришталарни боғлашдир. Ана шундагина оилавий муносабатларни шакллантириш, уни ўпирилишлардан сақлаб қолиш мумкин. Оилавий муносабатлардаги тотувлик ва хотиржамлик жамиятни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ривожини таъминлайди. Яъни оиласи тинч ва осойишта бўлган кишигина ўз иш жойида унумли меҳнат қилади, сифат ва самарадорликка эришади. Халққа ва давлатга кўпроқ фойда етказади. Ишдан яхши кайфият билан қайтади ва оилавий дастурхон атрофида фарзандлари билан ўтириб ҳордиқ чиқаради. Эртанги кун учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий куч тўплайди.

Олиб борилаётган тадқиқотлар, кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, турмушдаги моддий етишмовчиликлар, камбағаллик, оилалар турмуш даражасининг нотекислиги турли хил жанжал ва қўйди-чиқдиларнинг бош сабабчиси ҳисобланади. Оилалар бузилишининг иккинчи бир сабаби қайнона-келин муносабатларидир. Айниқса, сўнгги йилларда қайнона билан келин ўртасидаги чиқишмовчиликлар оқибатлари ёмон натижалар билан тугамоқда. Эр-хотин ажралишининг келтириб чиқарадиган учинчи сабаб эркакнинг хотинига нисбатан ўта қўпол, ҳурматсизлик билан муомалада бўлишидир. Ҳар ким ҳам яхши гап гадойи. Лекин бу борада аёл зотининг олдига тушадигани йўқ. Ширинсуханлик одамдан ортиқча вақт ҳам, маблағ ҳам талаб қилмайди. Оғиздан чиқадиган сўзга бир қадар эътибор, ҳушёрлик бўлса бас. Ахир сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади-ку.

Назаримда шу масалада маданият етишмаётгандек. Мусулмон ёки шарқ оилаларининг миллий ва диний хусусиятларини, урф-одат ва оила билан боғлиқ анъаналарини ҳисобга олиб яратилган ўзбек тилидаги адабиётлар йўқ даражада. Борлари ҳам турмуш қурган, катта ёшдаги аёл ва эркакларга мўлжалланган. Агар бу муҳим билим ва кўникмаларни инсон қалбига у мактабдалик вақтида сингдирилса мақсадга мувофиқ бўлур ва ижобий натижа берар эди. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш масаласига ишлаб чиқаришга қанчалик миқдорда куч, маблағ, илм сарфланса, худди шундай эътибор керак.

Ўзбекистоннинг ўрта махсус билим юртларида, университетларида ўқитилиши шарт ва энг зарур бўлган оила ҳаёти этикаси ва психологияси дарси ҳамон ўтилмай қолинмоқда. Олий педагогика ўқув юртларида бу предметнинг ўқитилишига ҳаммаси бўлиб атиги 18 соат ажратилган. Ахир бу фан ёшларга жуда зарур. Ў талабаларнинг шахсий, оилавий бахти, ҳаёт йўлларини кўрсатадиган, турмушнинг эгри-бугри сўқмоқларидан қоқилмай ўтиш чораларини ўргатадиган ягона ва зарур предметлардан бири ҳисобланади. Инсоннинг бутун умри, оилавий тақдирига дахлдор бўлган сон-саноқсиз муаммоларнинг қай бирини ўқитувчи 18 соат ичида тушунтириб улгуриши мумкин. Ҳатто бу соатда оила учун муҳим деб ҳисоблаганимиз — оила тарихи, муҳаббатни тарбиялаш, уни асраш, бошқа халқларнинг оила муносабатлари маданияти билан таништириш, жанжал чиққанда яраштириш, келишув йўллари, бир сўздан қолиш, яхши эр ва яхши хотин бўлишнинг қадимий, миллий шакллари ҳақида ҳам тўлиқ тушунча бериб бўлмайди. Дарсни тинглаган барча тингловчиларнинг хоҳиши ва талаби шуки бу дарс энг камида 50 соат ҳажмида ўтилиши керак. Умуман фанларнинг ўқитилиши жамиятнинг эҳтиёжидан келиб чиқиши керак. Демак, бу предмет фақат педагогика институтларида эмас, балки мутахассислигидан қатъи назар барча олий ўқув юртларида ўргатилиши лозим.

Яхши оила аъзоси яхши раҳбар, яхши мутахассис, сўзи билан иши бир тарбиячи, мураббий ҳисобланади. Аслида оилавий ҳаёти нотинч, бахтсиз мутахассис бор кучини ишга солиб фаолият кўрсата олмайди. Истиқболли мутахассис бўлмоқ учун яхши оила соҳиби ҳам бўлмоқ керак. Шундай экан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир олий ўқув юрти, жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир. Бизнингча барча олий ўқув юртларида оила сабоғини каттароқ ҳажмда ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш партия ҳөдимлари, давлат ва хўжалик раҳбарлари зиммасига ҳам катта вазифа юклайди Агар улар бу муқаддас ишга панжа орасидан қарамай, чинакам масъулият билан ёндошсалар эди қанчадан-қанча оилалар мустаҳкам ва бахтли, маз-мунли бўлиши, юз минглаб тирик етимлар пайдо бўлиши олди олинган бўлур эди.

Жамиятимизда бахтли, пиру-бадавлат оилалар жуда кўп. Уларда меҳнаткаш, ақлли, иболи, меҳр-оқибатли ва жасур йигит-қизлар тарбия кўришмоқда. Бу шубҳасиз миллатнинг ифтиҳори, кўрки, қувончи ва келажаги ҳисобланади. Шундай бахтли, мустаҳкам оилаларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибаларини тарғиб қилмоқ, турмуш тарзини умумлаштириб, кенг оммалаштирмоқ лозим. Ҳаёт тарбиянинг янги-янги самарали дастурларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Булардан энг муҳими болаларда мустақилликни тарбиялашдир. Ақл ёшда эмас, бошда деганларидек, шундай фарзандларимиз борки, улар 10 ёшида кўпчиликка бош бўлиша олган. Шундай фарзандларимиз борки улар 25 ёшида ҳам ёш бола, ҳамон ота-онасига қарам, улар мададига муҳтож...

Булар осмондан тушганлари йўқ. Уларни ўз бошимизга ўзимиз яратдик. Таниш-билишимизни ишга солиб, пора бериб ўқишга киритдик, чаласавод болаларни бир амаллаб ишга жойладик. Бу нимадан? Бу тарбия диалектикасини яхши билмаганимиздан, бу борада ўқувсиз ва саводсизлигимиздан.

Тарбия тўғрисида ўтмиш мероси бугунги кунда чоп этилмоқда, буюк мутафаккирлар қолдирган таълим-тарбия ва ахлоққа оид китоблар дунё юзини кўрмоқда. Айниқса «Қуръон» ва ҳадисларнинг нашр этилиши нур устига аъло нур бўлди. Афсуски, шуларни ҳам кўпчилик ота-оналар ўқимайдилар. Ахир, ота-онасининг қўлида китоб кўрмаган болада ўқишга ҳавас қаёқдан уйғонади?!

Шуниси қувончлики, кейинги пайтларда жумҳуриятимизда оилани моддий мустаҳкамланишига кўмак берадиган талай тадбирлар амалга оширилди. Масалан, шулардан бири жамоатчилик асосида «Оила» жамғармасининг ташкил этилишидир. Тошкент вилояти Қалинин районидаги Қорасув паррандачилик-наслчилик бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон халқ депутати, иқтисод фанлари номзоди И. Худойқулов, Жиззах вилояти Арнасой ноҳиясидаги Ю. Фучик номли давлат хўжалиги директори Э. Избосаров, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалиги раиси С. Қобулов ўртоқлар бу жамғармага баҳоли қудрат ёрдам кўрсатдилар. Чунончи И. Худойқулов ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа хўжалигидаги оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг равнақи учун 20 минг сўм ажратди.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти профессори М. Г. Давлетшин раҳбарлигидаги «Суицид» илмий-тадқиқот группасининг, шунингдек дин ва ҳурфикрлилик тарихи, этика, эстетика, кафедраси қошидаги «Оила» дастурининг олиб борган кузатишлари ва тўплаган материалларига худди шу нуқтаи назардан қаралди.

Бу хайрли ишдир. Уни мунтазам амалга ошириб бориш кўп жиҳатдан «Оила» жамғармасига боғлиқ. Бунга сиз, азиз муштарийлар қандай қарайсиз? Яна қандай ишларни амалга оширса оилалар мустаҳкам бўлади, камол топади?

Сафар УТАНОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти дин, ҳурфикрлилик тарихи, этика-эстетика кафедрасининг мудири.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: техникавий физика, муҳандислик геологияси ва тупроқ механикаси (0,25), автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш (0,5);

доцентлар: металлар технологияси, муҳандислик геодезияси ва аэрогеодезия, машиналар, механизмлар ва машина деталлари назарияси, автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш (5), сиёсий иқтисод (3), педагогика ва муҳандислик психологияси (0,25), техникавий физика (4), йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш (2), ҳисоблаш техникаси ва амалий математика (2);

катта ўқитувчилар: рус тили (2), йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, металлар технологияси;

ассистентлар: автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, техникавий физика, йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, ҳисоблаш техникаси ва амалий математика, муҳандислик геологияси ва тупроқ механикаси.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 1 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

ТУЗАТИШ

Рўзноманинг шу йил 10 октябрь сонида чоп этилган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) ва мухбир аъзолигига бўш ўринлар тўғрисидаги эълонда:

1. Деҳқончилик, мелиорация, суғориш, химиялаш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимининг «мутахассислик» бўйича «Агромелиорация» деб босилган ёзув **«Гидротехника ва мелиорация»** деб;

2. Деҳқончилик-саноати ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш бўлимининг «мутахассислик» бўйича «қишлоқ хўжалик машиналари конструкциясининг технологияси» деб босилган ёзув **«қишлоқ технологияси»** деб тузатиб ўқилсин.

Ғ. А. МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

Математик моделлаштириш ва сейсмологик тадқиқотларни автоматлаштириш лабораторияси мудири бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда катта тажрибага эга бўлган шу йўналишдаги барча мутахассислар, фан номзодлари, физика-математика ва техника фанлари докторлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Марказ—12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-39-30, 41-52-00.

СССР Тиббиёт фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимининг Ўзбек онкология илмий маркази жамоаси клиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди

Баҳодир Абдулаҳатович ҲАМДАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмгоҳи жамоаси лаборатория мудири И. Б. Муҳамедова отаси

Боқижон МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва иқтисодий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—20.30.

№ 202.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.